Ўзбекистон - келажаги буюк давлат

Халқ сўзи

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг газетаси

13 АПРЕЛЬ, ЧОРШАНБА № 72 (820).
Сотувда эркин нархда.

КЕЧА ТОШКЕНТДА «ИЖТИМОИЙ ЙЎНАЛТИРИЛГАН БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИГА ЎТИШ ШАРОИТИДА ИШ БИЛАН МАШҒУЛЛИК ВА ХУСУСИЙ СЕКТОР КОРХОНАЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ» МАВЗУИДА ХАЛҚАРО АНЖУМАН ИШ БОШЛАДИ



Унда жаҳон банки, Европа қайта тиклаш ва тараққиёт банки, Европа ҳамжамияти ва бошқа бир қанча халқаро ташкилотларнинг вакиллари ҳамда Марказий Осиё давлатларидан келган мутахассислар иштирок этмоқда.

11 март куни 75 йиллигини нишонлаган Халқаро меҳнат ташкилоти (ХМТ) навбатдаги анжуманни ўтказиш учун Ўзбекистонни танлагани бежиз эмас. Республикамизнинг бозор муносабатларига ўтишда босқичма-босқич амалга ошираётган ислоҳотлари, юртимиздаги иқтисодий-сиёсий барқарорлик, тадбиркорлик ва хусусий мулкни ривожлантириш борасида амалга оширилаётган ишлари халқаро ташкилотлар ҳамда жаҳон жамоатчилигининг эътиборини тортмоқда. Меҳнаткашлар ҳуқуқи, турмуш шароитини яхшилаш, иш билан машғуллик имкониятларини қидириш ва тадбиркорликни ривожлантиришда тараққий этган мамлакатлар тажрибасидан фойдаланиш, минтақадаги мавжуд шароитни таҳлил қилиш каби масалалар йиғилиш иштирокчиларининг диққат марказида бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Бахтиёр Ҳамидов ҳамда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг мамлакатимиздаги доимий вакили Холид Малик анжуманнинг очилишида иштирок этди ва нутқ сўзлади.

(ЎзА).

УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

ДАВЛАТ БУЮРТМАСИ БЎЙИЧА СОТИЛАДИГАН ПАХТА ТОЛАСИ ВА БОШОҚЛИ ДОН ЭКИНЛАРИНИНГ ХАРИД НАРХЛАРИНИ ОШИРИШ ТЎҒРИСИДА

Моддий-техникавий сарф-харажатлар ошиб кетганлиги муносабати билан ҳамда жамоа хўжаликлари, давлат хўжаликларини, ижара, фермер хўжаликлари ва бошқа хўжаликларни пахта толаси ҳамда бошоқли дон экинлари етиштириш ва сотишни кўпайтиришга рағбатлантириш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. 1994 йил ҳосилидан бошлаб ҳар 1 тоннаси учун ўрта ҳисобда қуйидаги харид нархлари тасдиқлансин:

пахта толаси	— 1200 минг сўм-купон;
буғдой	— 300 минг сўм-купон;
жавдар	— 285 минг сўм-купон;
арпа ва сули	— 240 минг сўм-купон;

2. Ўзбекистон Республикасининг Молия вазирлиги:

беш кун муддат ичида бошоқли дон экинлари янги харид нархларининг прейскурантларини ишлаб чиқиб, тегишли вазирликлар ва идораларга етказсин;

пахта толаси тайёрлашга янги РСТ (республика стандарти) ишлаб чиқилиб, тасдиқлангандан кейин икки ҳафта муддат ичида хўжаликлар пахта тозалаш заводларига сотадиган пахта толаси харид нархларининг прейскурантини жорий этсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 31 августдаги 443-сон қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси
И. КАРИМОВ.

УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

«БОШОҚЛИ ДОН ЭКИНЛАРИНИНГ ХАРИД НАРХЛАРИНИ ОШИРИШ ТЎҒРИСИДА» ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ 1993 ЙИЛ 30 НОЯБРДАГИ 691-СОН ФАРМОНИНИ ЎЗ КУЧИНИ ЙЎҚОТГАН ДЕБ ҲИСОБЛАШ ҲАҚИДА

Бошоқли дон экинларининг харид нархлари даражаси ўзгарганлиги муносабати билан «Бошоқли дон экинларининг харид нархларини ошириш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1993 йил 30 ноябрдаги 691-сон Фармони ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти
И. КАРИМОВ.
Тошкент шаҳри,
1994 йил 12 апрель.

САМИМИЙ ҚУТЛОВ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ ҚАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Муборак Рамазон ойи муносабати билан табрик йўллаганингиз учун Сиз жаноби олийларига самимий ташаккуримизни ва юксак эҳтиромимизни изҳор этамиз. Сизга ҳам ўз табрикларимизни йўллашдан беҳад бахтиёрмиз. Оллоҳдан бу саодатли дамларда Сиз жаноби олийларига эсон-омонлик ва сиҳат-саломатлик, халқингизга барака ва фаровонлик, мусулмон умматига шон-шуҳрат ато этишини сўраймиз.

Исо Бин Салмон ал ХАЛИФА,
Баҳрайн давлати амири.

Ҳар бир инсон ҳаёти учун жавобгармиз

АҲОЛИ ХАВФСИЗ ЖОЙГА КЎЧИРИЛМОҚДА

СУРХОН дарёсининг сувини тошираднган Сангардак, Тўпаланг, Обизаранг дарёлари Сариосиё туманидан бошланади. Ёнгирчиликнинг кўплиги оқими шиддатли бу дарёларнинг сувини кўпайтириб юборди. Қирғоқлар бўйлаб кўним топган хонадонларга жиддий хавф туғилмоқда.

Сангардак дарёси бўйидаги Хўбон қишлоғини тупроқпоя босиб қолиш хавфи бор. Шунинг учун ваколатли мутахассислар бу қишлоқда истиқомат қиладиган 326 нафар аҳолининг ҳаммасини зудлик билан хатарсиз жойга кўчириш лозим, деган хулосага келишди. Уларга туман марказига яқин жойдан томорқа ажратилди. Кўчиш билан боғлиқ бўлган харажатларнинг ҳаммасини автокорхоналар ўз зиммасига олди. Туман ҳокимлиги уларни қурилиш материаллари билан таъминлайдиган бўлди.

Шу дарё бўйида жойлашган Чанғноқ қишлоғидан ҳам 49 хонадон кўчирилмаса, тупроқ кўчкисидан зарар кўриб қолиши мумкин.

Тўпаланг дарёси бўйидаги Ҳурватан, Саринаво, Вочох, Мезот, Зоғхона қишлоқларидан ҳам 40 дан зиёд хонадонни кўчириш лозим, деб ҳисобланяпти.

Албатта, бир жойдан иккинчи жойга ўтиб истиқомат қилиш осон эмас. Айниқса, тақчиллик кучайган ҳозирги кунларда бундай тадбирлар одамларга катта ташвиш туғдиради. Аммо муқаррар бўлган талафотнинг олдида ҳар қандай ташвиш ҳам орқага чекланади.

Бу ишларнинг ҳаммасига туман ҳокими Иноят Суннатов шахсан ўзи раҳбарлик қилмоқда. Ҳар куни туман ҳокимлигида тузилган фавқулодда ҳолатларга қарши нураш қўмитасининг йиғилиши бўлиб, вазият таҳлил қилинади, тадбирлар белгиланади. Ҳозирча талафот йўқ. Ва нинг шулки — бўлмайди ҳам

Тожиддин РАЗЗОҚ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори

ТОШҚИН, СЕЛ ОҚИМЛАРИНИ ОҚИЗИБ ЮБОРИШ ВА КЎЧКИ ҲОДИСАЛАРИ БИЛАН БОҒЛИҚ БЎЛГАН ҲАЛОКАТЛИ ОҚИБАТЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ ҲАМДА УЛАРНИ БАРТАРАФ ЭТИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Республика давлат ҳокимият органлари табиий офатлар хавфини камайтириш ва уларнинг оқибатларини тугатиш борасида муайян тажриба орттирганлар. Республикада фуқаро мудофааси полки, тез ҳаракат қилувчи қучлар ташкил этилган ва зарур ашёлар билан жиҳозланган, вилоятларда уларнинг филиаллари ташкил этилмоқда, тошқинга қарши комиссиялар ишлаб турибди.

Шу билан бирга ҳар йили сел, тошқин, ўпирилиш ва кўчкилар туфайли юзага келадиган фавқулодда вазиятлар катта вайронгарчиликларга сабаб бўлмоқда, республика халқ хўжалигига жиддий зарар етказмоқда, баъзан эса одамларнинг ҳалок бўлишига олиб келмоқда. Бу мазкур ишда изчиллик йўқлигидан далолат беради. Кўрилаётган чора-тадбирлар даврийлик тусига эга. Ҳукуматнинг бу масалалар юзасидан қабул қилган қарорлари ёмон бажариляпти. Жойлардаги ҳокимликлар тегишли хизматларнинг рухсатларисиз хавфли зоналарда тартибсиз равишда уй-жойлар қурилишига йўл қўймоқдалар. Натижада республикада 400 га яқин аҳоли яшаш жойлари ва 300 дан ортиқ халқ хўжалиги объектлари хавфли зоналарга жойлаштирилган. Ушбу барча масалаларда маҳаллий ҳокимият органларининг мувофиқлаштирувчилик роли сустлиги кузатилмоқда.

Об-ҳаво ёмонлиб бораётган бир шароитда қор заҳиралари ҳажмлари ва кутилаётган ёғингарчиликлар бу йил республикадаги вазиятни анча кескинлаштирмоқда, сел, тошқин жараёнлари ва кўчки ҳодисаларининг фаоллашуви кутилмоқда. Кузатиш ва хабар бериш хизматларининг идоравий тарқоқлиги аҳволни мураккаблаштирмоқда. Давлат геология қўмитаси ҳамда Мелиорация ва сув хўжалиги вазирлиги органлари ўз кўрсатмаларининг бажарилишида талабчанлик қилмаяптилар.

Сел, тошқин оқимларини талофатсиз оқизиб юбориш, кўчки ҳодисаларининг олдини олиш ва уларнинг оқибатларини бартараф этиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Вилоятлар, шаҳарлар ва туманлар ҳокимларининг, вазирликлар ва идоралар раҳбарларининг фавқулодда вазиятларда барча манфаатдор ташкилотларнинг аҳолини ва халқ хўжалиги объектларини ҳимоя қилиш чора-тадбирлари бўйича мувофиқлаштиришга оид ишларининг етарли эмаслиги қайд этилсин.

2. Жойларда табиий офатларнинг олдини олиш ва уларнинг оқибатларини тугатиш, шунингдек, одамларнинг тўлиқ хавфсизлигини таъминлаш бўйича ишларни ташкил этиш учун шахсий жавобгарлик вилоятлар, шаҳарлар, туманлар ҳокимлари, вазирликлар, идоралар, корхоналар ва ташкилотлар раҳбарларининг зиммасига юклансин.

3. Мелиорация ва сув хўжалиги вазирлиги ўзан сув омборларида тошқин сувларнинг тўпланиши учун заҳира сув ҳавзалари ташкил қилсин. Вазир ўринбосарлари ва Бош бошқармалар бошлиқлари тошқин ва сел оқимларини талофатсиз оқизиб юборишни таъминлаш учун 2 ой муддатга вилоятлар ва муайян объектлар бўйича масъул қилиб биркитилсинлар, вазирликнинг жойлардаги барча бўлинмаларида кеча-кундуз навбатчилик ва барча сув хўжалиги объектлари иши устидан назорат ўрнатилсин.

Дарёлар, сойлар ва гидроиншоотлар бўйича зарур ҳимоя (соҳил-дамба мустаҳкамлаш) тадбирлари ва авария-тиклаш ишлари бажарилсин, бу ишларга вазирликка 1994 йил учун ажратилган сармоя қўйилмаларининг умумий лимитлари доирасида сметалар ва алоҳида лойиҳалар бўйича ҳақ тўлансин. Ҳақиқатда бажарилган иш ҳажмлари бўйича ҳаражатлар Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 14 февралдаги 70-сон қарори 7-бандида белгиланган шартларга биноан қоплансин.

Молия вазирлиги, «Ўзистиқболстат» давлат қўмитаси ўз йилларидаги бўйича Вазирлар Маҳкамасига бажарилган иш ҳажмларини маблағ билан таъминлаш манбаларига доир таклифлар киритсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Давлат геология қўмитаси мавжуд илғор тажрибадан фойдаланган ҳолда берилаётган истиқбол маълумотларининг илмий асосланганлигини, хослигини ва аниқлигини ошириси. Тахмин этилаётган табиий офатларни каталоглаштириш ва паспортлаштириш асосида олдини олиш чора-тадбирларининг асосланган тизимини ишлаб чиқсин, селга, кўчкига ва шу кабиларга қарши чора-тадбирлар биринчи навбатда лойиҳалаштирилиши лозим бўлган ҳудудларни аниқласин. Мазкур масала юзасидан 1994 йил охиригача Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳисоб-китобга мувофиқ Давлат геология қўмитасига давлат кузатиш хизмати учун ёмон йўллардан ҳам юра оладиган енгил автотранспорт ва оператив алоқа воситаларини мақсадли сотиб олиш учун Россия рублида заҳира маблағлар ажратсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги:

содир бўлиши мумкин бўлган экзоген жараёнларнинг олдини олиш ва потенциал хавфли вазиятларда аҳолини ҳимоя қилиш бўйича ишларни Фуқаро мудофааси ва фавқулодда вазиятлар бошқармаси учун устивор йўналиш этиб белгиласин.

Фуқаро мудофааси ва фавқулодда вазиятлар бошқармасига ҳамда «Бошгидромет»га кўчки ва сел хавфи кучли бўлган даврларда мунтазам айланиб учиш ҳамда хавфли геологик ва гидрологик жараёнлар ривожланадиган районларни кузатиш учун вертолёт транспорти ажратсин;

бир ҳафта муддатда кўчки ва сел-тошқинлар хавфи энг кучли бўлган зоналарда хавфли вазиятларнинг олдини олиш бўйича шошилинч чора-тадбирлар кўриш учун алоқа воситалари, ҳаракатчан транспорт билан жиҳозланган доимий кузатиш постлари ташкил этсин;

Давлат геология қўмитаси, Мелиорация ва сув хўжалиги вазирлиги билан биргаликда бир ҳафта муддатда хавфли зоналардаги ишларнинг аҳволини ўргансин, вақтинча кўчирилиши ҳамда босқичма-босқич хавфсиз жойлардаги доимий истиқомат жойларига кўчирилиши лозим бўлган шаҳарчалар ва хўжаликлар рўйхатини аниқласин ҳамда маҳаллий ҳокимият органларига тақдим этсин.

«Ўзкимёсаноат» уюшмаси, Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти ҳокимликлари билан биргаликда республика кўп ихтисосли тез ҳаракат қилиш марказига ва тез ҳаракат қилувчи ҳарбийлаштирилган махсус отрядга техника билан жиҳозлашда, фавқулодда вазиятларда тез ҳаракат қилиш учун шахсий таркибни тайёрлашда ёрдам кўрсатсин.

6. Одамларни кўчки ва сел босадиган зоналардан кўчириш, аҳолини хавфсиз жойларга ўз вақтида эвакуация қилиш бўйича аниқ чора-тадбирларни амалга ошириш вилоятлар ва туманлар ҳокимларининг кечиктириб бўлмайдиган вазифаси деб ҳисобласин.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ранисидан, вилоятлар, шаҳарлар, туманлар ҳокимларидан, вазирликлар, идоралар, корхоналар, ташкилотлар ва хўжаликлар раҳбарларидан объектларнинг ҳудудий ва баланс бўйича мансублигига кўра апрель-май ойларида ўз маблағлари ҳисобидан кўчки ва сел-тошқин ҳодисаларининг ҳалокатли оқибатларининг олдини олиш билан боғлиқ барча ишлар ва тадбирларни бажариш талаб этилсин. Зарурат бўлганда ҳаражатларни қисман қоплаш бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритилсин.

«Ўзбекистиқболстат» давлат қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги вилоятлар ҳокимликлари, манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда аҳолини хавфли зоналардан босқичма-босқич кўчириш учун республика бюджетидан маблағ ажратиш тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсинлар.

Сув омборларининг иш режими учун жавобгарлик Ўзбекистон Республикаси Мелиорация ва сув хўжалиги вазирлиги зиммасига юклатилганлигини назарда тутиб, ҳокимликларнинг сел оқимлари тўпланадиган жойлар ва сув омборларида сувни тўплаш ҳамда уни чиқариб юбориш жараёнларига аралашишларига йўл қўйилмасин.

7. Вилоятлар, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари халқ хўжалиги объектларини ҳамда уй-жойларни жойлаштиришда давлат геология қўмитаси органлари ва Ўзбекистон давлат муҳандислик-техникавий изланишлар институтининг лойиҳалаш ташкилотлари тавсия ва кўрсатмаларига оғишмай риоя қилсинлар.

8. Фанлар Академиясининг сейсмология институти иншоотлар механикаси ва зилзила бардошлиги институти ва бошқа манфаатдор ташкилотлар билан биргаликда халқ хўжалиги объектлари ва уй-жой қурилишини лойиҳалаш ҳамда қуриш бўйича таклифларни ишлаб чиқсин ва 1994 йилнинг иккинчи ярмида ҳукуматга киритсин, бунда қурилишни эҳтимол тутилган хавфли зоналарда жойлаштиришда уларнинг зарур ҳимоя қилиниши ва чидамлилиги назарда тутилсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Гидрометеорология бош бошқармаси:

кутилаётган иқлимий вазиятларга доир янада аниқроқ маълумот олиш учун илмий-техника тараққиётининг замонавий ютуқларидан ва жаҳон тажрибасидан кенг фойдалансин;

Фуқаро мудофааси ва фавқулодда вазиятлар бошқармаси, Давлат геология қўмитаси, Мелиорация ва сув хўжалиги вазирлиги билан биргаликда вилоятлар ва туманлар ҳокимликларини ҳамда аҳолини республика ҳудудида кутилаётган сел, тошқин ва кўчки ҳодисаларидан ўз вақтида хабардор қилсин.

Ўн кун муддатда Мелиорация ва сув хўжалиги вазирлиги ва Мудофаа вазирлиги билан биргаликда тошганда катта хавф туғдирадиган ўз-ўзидан ҳосил бўладиган кўл ва бошқа сув манбаларини текшириб чиқсин ҳамда эҳтимол тутилган ҳалокатли оқибатларнинг олдини олиш учун уларнинг ҳолати устидан назоратни таъминласин.

10. Ўзбекистон Республикаси Энергетика ва электрлаштириш вазирлиги, Коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги хавфли жойлардаги халқ хўжалиги объектлари ва аҳолини электр энергияси, газ ва ёқилғи билан узлуксиз таъминлаш чора-тадбирларини ишлаб чиқсинлар ҳамда амалга оширсинлар.

11. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги хавфли зонадан вақтинча кўчирилган аҳолига хизмат кўрсатиш учун тиббий ёрдам кўрсатиш пунктларини зарур миқдорда зудлик билан ташкил қилсин, уларни зарур асбоб-анжомлар ва дори-дармонлар билан таъминласин.

Доимий яшаш учун кўчирилган жойларда зарур даражада тиббий хизмат ташкил этилсин.

12. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ҳалокатли ҳодисалар зонасидаги ҳудудлар ҳамда у ердаги вақтинча хавфсиз жойга кўчирилган фуқароларнинг иморатлари ва мол-мулкининг қўриқланишини таъминласин.

13. Молия вазирлиги, «Ўздавсуғурта»:

хавфли туманлардаги аҳолининг фавқулодда вазиятлар юзага келиши ҳодисасидан мажбурий суғурта қилиш тизими билан қамраб олинишини таъминласинлар;

вилоятлар, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари ва сув хўжалиги вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда кўчки, сел-тошқин зоналарида иморатлар, шахсий мол-мулк ва чорва молларини, шу жумладан, боғдорчилик-полизчилик хўжаликларини қонунчиликка мувофиқ суғурта қилсинлар;

рақобат асосидаги қўшимча суғурта органлари ташкил этиш масаласини кўриб чиқсинлар.

14. «Ўздавтелерадио» компанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги:

фавқулодда вазиятларда аҳолини ҳимоя қилиш бўйича Ўзбекистон Республикаси ҳукумати кўраётган чора-тадбирлар тўғрисида республика аҳолиси ўртасида кенг тушунтириш ишларини олиб борсинлар;

Мудофаа Вазирлигининг Фуқаро мудофааси ва фавқулодда вазиятлар бошқармаси ва манфаатдор ташкилотлар билан биргаликда аҳоли ўртасида фавқулодда вазиятлар пайдо бўлган зоналарда кишиларнинг биринчи навбатдаги ҳаттиҳаракатлари тўғрисида кенг тушунтириш ишларини олиб борсинлар.

15. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг фавқулодда вазиятлар бўйича комиссияси БМТ томонидан эълон қилинган табиий офатлар хавфини камайтириш халқаро ўн йиллиги доирасида халқаро тажриба ва ўзаро ёрдамдан фойдаланиш мақсадида БМТнинг инсонпарварлик ташкилотлари билан кенг ҳамкорлик қилсин.

16. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари И. Ҳ. Жўрабеков зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1994 йил 12 апрель.

КЕЛАЖАККА ИШОНЧ БИЛАН

Иқтисодий ислоҳотнинг янги босқичига қадам қўйилган ғоят масъулиятли паллада юртбошимиз Ислом Каримовнинг ҳокимлар билан ошкора ва самимий суҳбат ўтказгани катта аҳамиятга эга бўлди. Биз туманда ишчилар, колхозчилар, тадбиркорлар, оқсоқоллар, фаоллар билан учрашувлар ўтказдик. Шу нарса аён бўлдики, халқимиз республикада юз бераётган ўзгаришларни маъқуллаяпти. Одамларимизнинг кўтаринки кайфиятини кўриб, мен беихтиёр Президентимизнинг шундай оққўнгил, меҳнаткаш халқ билан тоғни талқон қилса бўлади, деган сўзларини эсладим.

Ҳозир ҳар биримиз алоҳида қатъият, якдиллик, бошлаган буюк ишимизнинг муқаррар ғалабасига чексиз ишонч намунасини кўрсатишимиз керак. Туман ҳокимлиги бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнида туғилган муаммоларни бугунги кунда бутун дунёда тан олинаётган тамойиллар асосида қадамбақадам ҳал этишга ҳаракат қилмоқда. Ислоҳотни чуқурлаштириш, хусусан, хусусийлаштириш жараёнини тезлаштириш, мулкни давлат тасарруфидан чиқариб тезроқ ўз эгаларига топшириш, фермер (деҳқон) хўжаликлари ташкил этиш, қишлоққа саноатни олиб келиш, янги иш ўринлари барпо этиш, қўшма корхоналар очиш, аҳолини ижтимоий жиҳатдан ҳимоялашни кучайтириш, маънавий қадриятларни тиклаш масалалари доимо кун тартибида турибди.

Пахта яккаҳокимлигидан чеккан азиятларимизни ёдда тутган ҳолда туманда умумий экин майдонларида пахтанинг ҳиссасини 58 фоизга туширишга эришдик. Шу ҳисобдан ўтган йили дон экинлари майдонини кенгайтирдик. Натижа қувончли бўлди. Об-ҳаво иншиқликларига қарамай, пахта тайёрлаш йиллик режасини Фарғона водийсида биринчи бўлиб адо этдик, давлатга дон топшириш буюртмаси ҳам ортиғи билан бажарилди.

Аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш муаммосини ҳал этиш мақсадида бу йил ғалла майдонларини янада кенгайтириш тадбирлари белгиланди. Кузда 2782 гектар, яъни аввалги йилдагидан икки ҳисса кўп ерга буғдой сепдик. Шу кунларда туманда экин-тикин ишлари уюшқоқлик билан бошлаб юборилди. Илғор бригадаларда чигит экиш тугалланди.

Ривожланган мамлакатлар тажрибаси биз учун катта аҳамиятга эгадир. Мен Голландияда бўлган пайтимда бунга яна бир бор ишонч ҳосил қилдим. Ўтган йили туманимизда 32 гектар ерга Голландия технологияси асосида картошка экиб, ҳар гектаридан 185 центнердан ҳосил олдик. Бу йил голландиялик фермерлар тажрибасини янада фаолроқ жорий этиб, картошка ҳосилдорлигини бултургидан камида икки ҳисса оширишни ният қилиб турибмиз. Шу мақсадда картошка майдонлари қарийб, 2,5 баравар кенгайтирилди.

Позилжон МАМАҚОВ,
Андижон вилояти Марҳамат тумани ҳокими.

БИРИНЧИ ҚИСМ. ЭРТАК МУҚАДДИМАСИ

Бор экану йўқ экан, ҳақиқий эртаклардагидек айтадиган бўлсак, империлардия деган жуда катта мамлакат бўлган экан. Кунлардан бир куни бу мамлакат ғойиб бўлибди. Йўқ, ғойиб бўлмабди, парчаланиб кетибди, чунки унинг қисматига шу ёзилган экан. Бир вақтлар зўрлик билан бирлаштирилган мамлакатни бошқариб туришни ҳатто эртакда ҳам уддалаб бўлмайди, ахир!

Ўша улкан давлат ўрнида ўн бешта янги давлат пайдо бўлибди. Улар мустақил, ўзига хос ҳаёт кечириши, гуллаб яшнаши лозим, лекин бунга эришиш осон эмас экан. Чунки, бу давлатларга империя хўжалигидан иқтисодиётни бошқаришнинг чириб кетган, ҳеч нарсага яроқсиз воситалари мерос қолган экан. Хўжаликнинг ўзи ҳам ақлга сиғмайдиган даражада (ёки мустамлакачиликка хос «оқилона» даражада) йўқ бўлиб кетган империлардиянинг бепоён ерларида тарқоқ жойлаштирилган экан.

Иқтисодий алоқалар бузилибди, ишлаб чиқаришнинг фалокатли таназзули бошланибди. Ана ўшанда давлат бошлиқлари юз берган хилма-хил муносабатларни маърифий йўл билан аниқлаб олиш учун мустақил давлатлар ҳамдўстлигини тузишга аҳд қилишибди.

Бироқ, қийинчиликлар давом этаверибди, баъзи жойларда эса ҳатто кўпайиб кетибди. Айрим мамлакатларда урушлар ва фуқароларнинг қонли тўқнашувлари бошланибди, бошқа мамлакатларда муросасиз сиёсий жанглар вужудга келибди, бошқа бирларида эса пулнинг қадрсизланиши ва бошқа иқтисодий фалокатлар аҳолининг анчагина қисмини ночор аҳволга солиб қўйибди. Лекин, шу мустақил давлатлар орасида мамлакатни бошқаришнинг тўғри йўлини сақлаб қолган, ишлаб чиқариш таназзулини мумкин қадар камайтирган, қонунчилик ва тартибни, фуқаролар тинчлиги ва миллатлараро тотувликни таъминлаган давлатлар ҳам бор экан. Улар жаҳондаги барча мамлакатлар билан ўзаро муносабатларни ривожлантира бошлабди. Дарвоқе, айрим қора кучлар бу давлатларни ёмон кўриб қолибди, уларнинг ютуқларига доғ туширишга зўр бериб уринишибди. Чунки, бу ютуқлар уларнинг қора ниятларига мос келмас экан.

Очиғини айтганда, янги мустақил давлатлар эски метрополияни четлаб ўтиб, бошқа давлатлар билан савдо-сотиқ ишларини ривожлантириб юборганидан, биргаликда катта иқтисодий лойиҳаларни амалга оширишганидан қора кучлар ғазабга келар экан. Улар ана шу мамлакатларнинг табиий ва бошқа бойликларини яна ўз қўлига киритишни орзу қилар экан.

Иқтисодий ва сиёсий қийинчиликлар кўпайгач, айрим мустақил давлатлардаги қора кучлар бош кўтара бошлабди. Бор-буди ёвузлик ва бетоқатликдан иборат бўлган бу қора кучлар манфур ниятларига етиш мақсадида ҳеч нарсадан қайтмас эканлар. Ана шу кучларнинг доҳийларидан бири айрим мустақил давлатлардаги туб миллатларга мансуб миллионлаб кишиларни қириб ташлашга ҳам тайёрман, деб очиқ айтибди.

Хуллас, қийинчиликлар ҳам, муаммолар ҳам мўл экан. Аммо бир қанча янги давлатларда уларни ҳал этишга амалий йўл билан ёндашилибди. Ўткир сиёсий ва иқтисодий муаммо бўлиб кўринган кўпгина қийинчиликлар иқтисодиёт билан боғлиқ ўлароқ уларни мустақил давлатлар ўртасида тўғри иқтисодий алоқалар ва муносабатларни йўлга қўйиш билан ҳал қилиш мумкин экан. Ёки аксинча: ўзаро ҳисоб-китоб қилишдаги ва почта орқали пул ўтказишдаги божхонадаги, саёҳат қилиш соҳасидаги қийинчиликлар ва шунга ўхшаган муаммолар сиёсий кескинликни келтириб чиқарар, миллатлараро ва давлатлараро кескинликка сабаб бўлар экан.

Ишнинг кўзини биладиган раҳбарлар буни англаб етиб, барча муаммоларни бирваракайига ҳал қилиш учун ҳамма томонларнинг манфаатларини ҳисобга олиб ,иқтисодий иттифоқ тузишни таклиф этибди. Айрим давлатлар эса, шу йўналишда ҳаракат қила бошлабди ҳам. Шу тариқа, Шарқона донолик билан иш кўрган бу раҳбарларнинг саъй-ҳаракати туфайли, ягона иқтисодий макон тузилибди. Мамлакатлар ўртасидаги сунъий ғовлар олиб ташланганини кўрган бу мамлакат халқларининг хурсандлигини кўрсангиз эди! Бу ишдан ҳамма манфаатдор бўлибди. Энг муҳими— давлатларнинг сиёсий мустақиллигига ҳеч қандай путур етмабди.

Тажриба шу қадар фойдали бўлибдики, унга ҳамма дарҳол эътибор берибди. Бошқа мамлакатлардаги айрим таниқли давлат арбоблари ҳам қизиқиб қолиб, ягона иқтисодий маконга қўшилиш имкониятларини суриштира бошлабди. Аммо, сиёсий нафсонияти ва қандай қилиб бўлса ҳам империлардияни тиклаш истаги қора кучларга тинчлик бермас экан. Улар турли баҳоналар билан ўз фаолиятини кучайтириб, тағин ҳам абжирлик билан янги режаларни туза бошлабди.

ЯНА БИР ИТТИФОҚ ҲАҚИДАГИ ЧЎПЧАК ЁКИ ЯНГИ СИЁСИЙ ЭРТАК

ИККИНЧИ ҚИСМ. ЭРТАК

Энди нима қилиш керакligи ҳақида турли фикрлар айтила бошлабди. Бу фикрларнинг кўпчилиги яхши ният туфайли вужудга келган, албатта. Баҳор келиши билан кутилмаганда яна бир шундай фикр пайдо бўлади. Бу — ҳамманинг эътиборини ўзига тортган Евроосиё Иттифоқи ҳақидаги фикр эди.

Евроосиё иттифоқини тузиш учун қуйидагилар далил қилиб келтирилади: а) МДҲ механизмлари ишламаяпти ва ҳамдўстлик имкониятлари тугади; б) Европа Иттифоқи хилидаги янги иттифоқ тузиш зарур, чунки бундай иттифоқ жаҳондаги бирлашиш тамойилларига мос келади.

Нима ҳам дердик, сиёсат — жуда нозик иш, яхши ниятларни ҳам обдон ўйлаб кўриш керак, чунки, тарих ғилдирагини орқага буриб юбормоқчи бўлганлар ҳаддан ташқари кўп.

Аммо, аввало, Евроосиё иттифоқини Европа Иттифоқига мутлақо қиёслаб бўлмаслиги аён. Раҳмоннинг неъматини шайтоннинг васвасаси билан чалкаштирмаслик керак. Гап шундаки, Европа иттифоқи бутунлай бошқа иқтисодий-иқтисодий ва сиёсий негизда тузилган ва шу асосда ишламоқда.

Яна бир фарқи шундаки, Европа Иттифоқи турмушнинг ёмонлигидан пайдо бўлгани йўқ. Европадаги юксак даражада ривожланган 12 давлат бу Иттифоқни узоқ вақт давомида (Иттифоқдан олдин 1957 йилда Европа ҳамдўстлиги тузилган эди) тузди. Ва бу ғоя ана шу мамлакатлар юксак даражада ривожланган босқичда амалга ошди. Бу мамлакатларда керагидан ортиқча маҳсулот ишлаб чиқариш жараёни мавжуд, маблағ, моллар ва хизматлар ҳаддан ташқари тўпланиб қолган, буларнинг ҳаммаси миллий чегаралардан ташқарига чиқиш йўлларини излашни тақозо қилар эди.

Европа иттифоқини тузган мамлакатларда мустаҳкам давлат, парламентаризмнинг ўз анъаналари, барқарор иқтисодий ва валюта-молиявий тизим мавжуд эди. Бу мамлакатлардаги ўртача турмуш даражаси ҳам тахминан бир хил эди. Буларнинг ҳаммаси тенг ҳуқуқли иттифоқ тузиш, иқтисодий, ҳуқуқий, ижтимоий ва сиёсий ҳамкорлик қилиш учун асосни вужудга келтирган эди.

МДҲ мамлакатлари тараққиёти даражаси шундай иттифоқ тузишни тақозо этадими? МДҲ мамлакатларида турмуш даражасидаги тафовут жуда катталиги кўзга ташланмоқда. Уларни Евроосиё Иттифоқига бирлаштириш — баъзи давлатларни бошқаларига қарам қилиб қўяди. Ахир, Евроосиё Иттифоқида айрим давлатларнинг манфаатлари ҳисобга олинишига ким кафолат бера олади? Рубль зонасига кириш шартлари билан боғлиқ воқеа ҳаммаларнинг ёдида бўлса керак: бунинг учун «арзимаган нарса»—мустақил давлатнинг асосий белгиларидан воз кечиш талаб қилинди, холос.

Евроосиё Иттифоқи доирасидаги алоқаларнинг соф иқтисодий усуллари ҳам сўзсиз равишда қудратлироқ давлатларнинг тазйиқ ўтказишига олиб келади. Европа Иттифоқида устун турадиган ягона мамлакатнинг ўзи йўқ. Евроосиё Иттифоқида эса, бир давлатнинг устун туриши муқаррардир. Ана шу мамлакатда вужудга келаётган ва ўз мавқеини мустаҳкамлаб олаётган буржуазия янги бозорлар ва иқтисодий таъсир зоналарини қўлга киритишни орзу қилмоқда. Бироқ, бу буржуазия яхши ривожланган мамлакатларга киролмайди: биринчидан, уларнинг маҳсулот ва хизматлари рақоботга дош беролмайди. Иккинчидан, рухсат этиш қоидалари бунга йўл қўймайди. Уларнинг ёнгинасида эса, ишчи кучи ва хомашё арзон бўлган, истеъмол бозори тўлмаган мамлакатлар бор. Бундай шароитда ана шу мамлакатларни янги мустамлакачилик хавфидан ким ҳимоя қилади;

Евроосиё иттифоқининг ягона валютасини барпо этиш тўғрисидаги таклиф ҳам жуда жўн гап. Европа Иттифоқида миллатлар валютасидан устун турадиган валюта — ЭКЮ мавжуд, деган гаплар келтирилмоқда. Бу ҳам оқилона мисол эмас. Чунки, ЭКЮ валюта эмас, балки нақдинасиз пул тусидаги ҳисоб-китоб қилиш бирлигидир. ЭКЮни ҳали ҳеч ким кўрмаган ва қўлида ушламаган.

Европа Ҳамжамиятига қўшилган мамлакатлар (Грециядан ташқари) 1978 йилда миллий валюталарнинг бир-бирига нисбатан қиймати ўзгариб туришини чеклайдиган пул алмаштиришнинг ягона воситасини белгилаш тўғрисида келишиб олди. Бу соҳада жуда катта иш қилингани ҳамда валюталарни эркин алмаштириш имконияти мавжудлигига қарамай, Буюк Британия билан Италия 1992 йилдан бошлаб бу тадбирда иштирок этмай қўйди.

Маастрихст битимига кўра, Европа Иттифоқи мамлакатлари ягона иқтисодий ва пул иттифоқи сари бормоқда. Лекин, айни пайтда бу мамлакатларнинг ҳар бири бундай иттифоққа қўшилиш ва ягона валютани қабул қилиш тўғрисида ўзи узил-кесил қарор қабул қилишга ҳақлидир. Гап шундаки, агар мамлакат ўз иқтисодиёти ягона иқтисодий ва пул иттифоқига тайёр бўлмай туриб, бундай иттифоққа қўшилса, ишсизлик кескин даражада ошиб кетади.

Аммо, ягона Европа валютасига қўшилиш миллий пуллар бекор қилинишини билдирмайди. Фақат 1996 йилнинг охирига боргандагина Европа Иттифоқидаги қайси мамлакатлар ягона иқтисодий ва молиявий иттифоқ тузишнинг якунловчи босқичига ўтишига тайёрлиги масаласи кўриб чиқилади. ЭКЮ эса, Европа валютаси сифатида 1999 йилдагина жорий этилади.

Шунинг ўзидан ҳам тенг ҳуқуқли иттифоқнинг ягона валютасини яратиш осон иш эмаслиги кўриниб турибди. Бу ўринда Евроосиёда қандай валюта бўлиши-ю, у биринчи галда қайси давлатга хизмат қилиши хусусида фол очиб ўтиришнинг кераги йўқ. Пул у қайси давлатда босиб чиқарилган бўлса, ўша давлатга хизмат қилади. Бўлиб ўтган воқеалар бу мамлакатнинг пул чиқаришда бошқа бирон мамлакат билан ҳамкорлик қилиш нияти йўқлигини яққол кўрсатди.

Евроосиё иттифоқида давлат ва ҳукумат бошлиқлари кенгаши, Мудофаа вазирлари кенгаши, Ташқи ишлар вазирлар кенгаши, Доимий ишлайдиган давлатлараро ижроия котибият, шунингдек, умумий парламент сингари миллатлар ва давлатлардан юқори турадиган тузилмалар ташкил этилиши тахмин қилинмоқда.

Бироқ, МДҲда ҳам давлат бошлиқлари кенгаши, ҳукумат бошлиқлари кенгаши, мудофаа вазирлари кенгаши, ташқи ишлар вазирлари кенгаши, ижроия котибият ва яна кўплаб бошқа тузилмалар бор-ку! Аслида, бир хил ном билан бошқа тузилмалар ташкил қилиб ўтиргандан кўра, ўша, ҳозирги мавжуд тузилмаларнинг ишини мукаммаллаштириш афзалроқ эмасми? Қарангки, гап МДҲдан мутлақо фарқ қиладиган Евроосиё иттифоқини тузиш ҳақида бораётган эмиш! Бироқ, теранроқ таҳлил қилиб кўрилса, Евроосиё деган «уюшма» яқин-яқингача ер куррасининг олтидан бир қисмини эгаллаб турган салтанатнинг ўзидан бошқа нарса эмаслиги аён бўлади—қолади.

Евроосиё иттифоқида уюшган аъзоликка йўл қўйилмайди, деган бир қарашда унча эътиборни тортмайдиган, аммо маккорона фикр ҳам бор. Аслини олганда, Евроосиё иттифоқининг «янгилиги» ҳам асосан мана шу фикрда мужассамланган. МДҲда айрим давлатлар муайян бир шартномага ўз манфаатини кўзлаган ҳолда қўшилиш ёки қўшилмаслик, битимларнинг айрим моддаларига ойдинликлар ва шартлар киритиш, ҳатто уларни имзоламаслик ҳуқуқига эга бўлса, Евроосиё иттифоқида уларга бундай имконият берилмайди. «Вето тақиқлаш» ҳуқуқи хусусидаги гап ҳам анчагина мавҳум. Бу нарса қарор қабул қилиш жараёнини мураккаблаштиради, холос. Бундан ташқари, Евроосиёнинг тахмин қилинаётган ижроия органлари «Вето» — тақиқлаш»га қарамасдан, Евроосиёни бошқараверишмкониятига эга бўлиб қолаверади (Барча интилишу саъй-ҳаракат шунга қаратилади).

Таклиф этилаётган шаклда Евроосиёнинг ижроия котибияти Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик кенгашида кузатувчилик мақомини олармиш. МДҲ доирасида ҳам бу масала қўйилган-ку?

Евроосиёнинг ижроия котибияти ҳузурида ягона ахборот бюроси ташкил этиш мўлжалланади. Бироқ, истасак, МДҲ доирасида зарур ахборот макони ҳақидаги масалани ҳал қилишимиз ёки ҳеч бўлмаганда бироз олга силжитишимиз мумкин эмасмиди? Ахир, давлатлараро телерадиокомпания ташкил этилган, МДҲ аъзолари раъй қилса, у ҳозиргидан анча яхшироқ ишлаши мумкин-ку!

Хуллас, бу «таклиф»лардаги кўп нарса кишини ажаблантиради. Бироқ, ажабланиш керак эмас. Чунки, масаланинг моҳиятига қараладиган бўлса, ўзан бутунлай бошқа томонга бурилаётгани аниқ бўлади. Турли тилда гапириш, турли ибораларни ишлатаверишмумкин. Аммо, гап бир нарса хусусида — эски салтанатни тиклаш тўғрисида кетаётганини ҳеч қандай найранг билан яшириб бўлмайди.

Ҳозирги шароитда Евроосиё иттифоқида воқеалар қай тарзда боришини тасаввур қилиш қийин эмас: парламент мавқе жиҳатидан устунроқ ва кучлироқ давлат манфаатларига асосланиб, «қўл қайириш» билан шуғулланади, катта-катта ваколатларга эга бўлган янги салтанат ижроия тузилмалари барпо этилади. Қарабсизки, кўз очиб юмгунча давлатлараро ижроия котибият янги салтанатнинг халқ комиссарлари совети ёки Министрлар Советига, Мудофаа вазирлари кенгаши мудофаа министрлигига, Ташқи ишлар вазирлари кенгаши Ташқи ишлар министрлигига айланиб турибди-да. Кейин Евроосиёнинг олдинги замондагидай қудратли марказий министрликлари ва министрлари пайдо бўлади. Ўз-ўзидан Сиёсий бюрони қўмсаб қолиниши ҳам ҳеч гап эмас.

Умумий парламентни сайлаш ва ягона фуқароликни жорий этиш амалда нималарни билдиради? Юзлаб писандаларни келтириш мумкин, лекин фуқаролик тўғрисидаги масала энг асосий. Конституция билан боғлиқ масалалар фол очиб ўтиришнинг кераги йўқ. Пул у қайси давлатда босиб чиқарилган бўлса, ўша давлатга хизмат қилади. Бўлиб ўтган воқеалар бу мамлакатнинг пул чиқаришда бошқа бирон мамлакат билан ҳамкорлик қилиш нияти йўқлигини яққол кўрсатди.

Евроосиё иттифоқида давлат ва ҳукумат бошлиқлари кенгаши, Мудофаа вазирлари кенгаши, Ташқи ишлар вазирлар кенгаши, Доимий ишлайдиган давлатлараро ижроия котибият, шунингдек, умумий парламент сингари миллатлар ва давлатлардан юқори турадиган тузилмалар ташкил этилиши тахмин қилинмоқда.

Бироқ, МДҲда ҳам давлат бошлиқлари кенгаши, ҳукумат бошлиқлари кенгаши, мудофаа вазирлари кенгаши, ташқи ишлар вазирлари кенгаши, ижроия котибият ва яна кўплаб бошқа тузилмалар бор-ку! Аслида, бир хил ном билан бошқа тузилмалар ташкил қилиб ўтиргандан кўра, ўша, ҳозирги мавжуд тузилмаларнинг ишини мукаммаллаштириш афзалроқ эмасми? Қарангки, гап МДҲдан мутлақо фарқ қиладиган Евроосиё иттифоқини тузиш ҳақида бораётган эмиш! Бироқ, теранроқ таҳлил қилиб кўрилса, Евроосиё деган «уюшма» яқин-яқингача ер куррасининг олтидан бир қисмини эгаллаб турган салтанатнинг ўзидан бошқа нарса эмаслиги аён бўлади—қолади.

Евроосиё иттифоқида уюшган аъзоликка йўл қўйилмайди, деган бир қарашда унча эътиборни тортмайдиган, аммо маккорона фикр ҳам бор. Аслини олганда, Евроосиё иттифоқининг «янгилиги» ҳам асосан мана шу фикрда мужассамланган. МДҲда айрим давлатлар муайян бир шартномага ўз манфаатини кўзлаган ҳолда қўшилиш ёки қўшилмаслик, битимларнинг айрим моддаларига ойдинликлар ва шартлар киритиш, ҳатто уларни имзоламаслик ҳуқуқига эга бўлса, Евроосиё иттифоқида уларга бундай имконият берилмайди. «Вето тақиқлаш» ҳуқуқи хусусидаги гап ҳам анчагина мавҳум. Бу нарса қарор қабул қилиш жараёнини мураккаблаштиради, холос. Бундан ташқари, Евроосиёнинг тахмин қилинаётган ижроия органлари «Вето» — тақиқлаш»га қарамасдан, Евроосиёни бошқараверишмкониятига эга бўлиб қолаверади (Барча интилишу саъй-ҳаракат шунга қаратилади).

Таклиф этилаётган шаклда Евроосиёнинг ижроия котибияти Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик кенгашида кузатувчилик мақомини олармиш. МДҲ доирасида ҳам бу масала қўйилган-ку?

Евроосиёнинг ижроия котибияти ҳузурида ягона ахборот бюроси ташкил этиш мўлжалланади. Бироқ, истасак, МДҲ доирасида зарур ахборот макони ҳақидаги масалани ҳал қилишимиз ёки ҳеч бўлмаганда бироз олга силжитишимиз мумкин эмасмиди? Ахир, давлатлараро телерадиокомпания ташкил этилган, МДҲ аъзолари раъй қилса, у ҳозиргидан анча яхшироқ ишлаши мумкин-ку!

Хуллас, бу «таклиф»лардаги кўп нарса кишини ажаблантиради. Бироқ, ажабланиш керак эмас. Чунки, масаланинг моҳиятига қараладиган бўлса, ўзан бутунлай бошқа томонга бурилаётгани аниқ бўлади. Турли тилда гапириш, турли ибораларни ишлатаверишмумкин. Аммо, гап бир нарса хусусида — эски салтанатни тиклаш тўғрисида кетаётганини ҳеч қандай найранг билан яшириб бўлмайди.

Европа Иттифоқида моллар, сармоя ва хизматлар эркин ҳаракат қилиши шароитида ўзаро иқтисодий ва савдо муносабатларининг айрим масалалари квота, яъни меъёрларни белгилаб қўйиш йўли билан тартибга солинади. Аммо, Евроосиё иттифоқи тизими доирасида бундай квота-меъёр яна фақат етакчи давлатга фойда келтиради холос. Бу давлат парламентда ёки ижроия маҳкамаларида тазйиқ ўтказиш йўли билан республикаларга уларнинг иқтисодиётини сўзсиз равишда бир ёқлама ривожланишга олиб борадиган, бу мамлакатларга эркин алмаштириладиган валюта тушумини чеклаб қўядиган экспорт ва импорт меъёрларини белгилаб қўйиш бозорни тартибга солиш воситаси эмас, балки меҳнат ва бойликни тақсимлашнинг ихтиёрий-мажбурий шартига айланиб қолади.

Давлатлар Евроосиё иттифоқига қўшилиш ёки қўшилмаслик тўғрисида эркин қарор қабул қиладилар, бунинг устига, уларни янги иттифоққа қабул қилиш ёки қабул қилмаслик масаласини махсус комиссия ҳал қилади, деган ғоя баён қилинаётган бўлса ҳам, аслида Евроосиё иттифоқи ихтиёрий-мажбурий иттифоқ бўлади. Мустақил давлатларнинг ҳуқуқлари анча чеклаб қўйилади, қарабсизки, ягона қуролли кучларга йигитларни олиш бошланади...

УЧИНЧИ ҚИСМ. ЭРТАК ХОТИМАСИ

Ҳа, эртагимиз яхши чиқмади. Тўғрироғи ғамгин сиёсий эртак бўлди. Ҳар қандай сиёсатда бўлгани каби бу эртакнинг ҳам чинакам мазмуни — ҳокимият тўғрисидаги масаладир.

Шу нарса ташвишга соладики, Евроосиё иттифоқи тўғрисидаги чўпчак янграши биланоқ республикаларнинг мустақиллигини ва уларнинг ўртасида эришилган битимларни тафтиш қилишга уринишлар янги тўлқин, янгича кўлам ва янги интилиш билан бошланди. Ягона иқтисодий макон тўғрисидаги мулоҳазаларга бошқа, тағин ҳам сиёсийроқ тусдаги «ягона маконлар» тўғрисидаги гаплар илова қилинмоқда.

Аслини олганда, эски, совет мазмуни янгича шаклда таклиф этилмоқда. Соғлом фикрловчи ҳар қандай киши буни кўриб турибди. Таниқли журналистнинг «Независимая газета»нинг 6 апрель сонида босилган мақоласида айтилганидек, Евроосиё иттифоқи тузиш тўғрисидаги масала ҳаммага тушунарли тилда «СССР-ни қайта тиклаш яна бошланишини» билдиради холос.

Биз қийин даврни бошдан кечиряпмиз. Жаҳондаги бирор мамлакат ҳам шу вақтга қадар собиқ Совет Иттифоқи республикалари дуч келган ғоят мураккаб муаммолар мажмуига бир вақтнинг ўзида дуч келмаган эди. Ҳозир айрим хорижий мамлакатлардаги иқтисодий ислоҳотларнинг муваффақиятли тажрибаси тез-тез эсга олинади. Аммо, бу мамлакатларнинг кўпига осонроқ бўлган. Биз эса, кенг миқёсли иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишдан ташқари, мустақиллигимизни мустаҳкамлаш, янги давлатчиликни барпо этиш, ижтимоий-сиёсий барқарорликни, фуқаролар тинчлиги ва миллатлараро тотувликни сақлаб қолиш, халқаро майдонга чиқиш, бозор ва демократияни ривожлантириш, маънавий қадриятларни қайта тиклаш ва эскича тафаккурдан қутулиш билан шуғулланишимиз зарур. Бу ишларнинг ҳаммасини хўжалик алоқалари узилган, иқтисоднёт бузилган, вазиятни беқарорлаштирувчи ташқи омиллар мавжуд бўлган шароитда амалга оширишимизга тўғри келмоқда. Эҳтиросларга берилмай шуни айтмоқчимизки, фахрланса арзийдиган ишларимиз кўп.

Биз барпо этаётган демократик жамиятда сиёсий эртакларни айтиш ва эшитиш тақиқланмайди, лекин сиёсий тажриба орттириб ва камолотга етиб, эртаклар замирида нималар борлигини ҳам англашимиз лозим. Хуллас, сўз мустақиллигимизни сақлаб қолиш ёки сақлаб қолмаслик тўғрисида бораётганини унутмайлик. Гап ана шунда.

Жавоб эса битта ва аниқ: Ўзбекистон мустақиллигини сақлаб қолади!

А. ОСИОВРУФЗОДА.

САЙЁРАМИЗ САДОСИ

САЙЛОВ КУНИ ТАЙИНЛАНДИ

Сальвадор Олий сайлов трибунали президентлик сайловининг иккинчи босқичи шу йилнинг 24 апрелига белгиланганини расмий равишда эълон қилди.

Сайловнинг иккинчи босқичида икки номзод — Миллий республика иттифоқи партиясининг раҳбари Армандо Кальедрон ва Сўл кучлар иттифоқи раиси Рубен Самор президентлик учун курашадилар.

ҲАЛИ БИР ҚАРОРГА КЕЛГАНИ ЙЎҚ

Америка Қўшма Штатларининг собиқ давлат котиби Жеймс Бейкер 1996 йилда ўтказиладиган Президентлик сайловида ўз номзодини қўйиши мумкин.

Ж. Бейкер шу ҳақда «Хьюстон пост» газетаси саволига жавоб берар экан, «Мен президентлик сайловида ўз номзодимни қўйиш ҳақида, ҳали қатъий қарорга келганим йўқ», деб жавоб берди.

БОШ ВАЗИРНИНГ ИЛК ТАШРИФИ

Франция Бош вазири Э. Балладюрнинг Хитойга расмий ташрифи бошланди.

Бу сўнгги 16 йил ичида Франция олиймақом раҳбарининг Хитойга биринчи ташрифидир. Сафар чоғида Э. Балладюр Хитой давлат кенгаши раҳбари Ли Пэн билан музокаралар ўтказади. Икки томонлама сиёсий, иқтисодий, савдо ва маданий алоқаларни ривожлантириш билан боғлиқ масалаларни муҳокама қилади.

ЯДРО МУАММОСИ МУҲОКАМА ҚИЛИНАДИ

Америка Қўшма Штатлари давлат котибининг биринчи ўринбосари вазифасига тайинланган Строуб Тэлботт ўзининг биринчи расмий ташрифини Ҳиндистондан бошлади.

Бу ташриф Америка Қўшма Штатлари билан Ҳиндистон ўртасидаги муносабатлар бироз кескинлашган вақтда ўтмоқда. Строуб Тэлботт Ҳиндистон раҳбарияти билан ўзаро манфаатли муносабатлар ва ядро муаммоси билан боғлиқ масалаларни муҳокама қилади.

ФАЛОКАТ САБАБЛАРИ ЎРГАНИЛЯПТИ

Руанда Президенти Жювеналь Хамнаримана ва Бурунди мамлакати Президенти Сипирен Натарьямира авиация фалокати оқибатида ҳалок бўлишди.

Ҳар икки мамлакат Президенти Танзанияда бўлиб, Бурундидаги вазиятни барқарорлаштиришга доир кўп томонлама музокараларда иштирок этган эдилар. Самолётдаги барча йўловчилар ва экипаж аъзолари ҳалок бўлишган. Фалокат сабаблари ўрганилмоқда.

ПСКОВ БЕЖИЗ ТАНЛАНМАГАН

Псковда Россия ва Швеция ташқи ишлар вазирлари Андрей Козирев ҳамда Маргарета Аф Углас учрашмоқда.

Улар иқтисодий ҳамкорлик тўғрисидаги масалаларни муҳокама қиладилар. Учрашув жойи қилиб Псков шаҳри бежиз танланмаган. Маҳаллий ҳокимиятнинг иқтисодий барқарорликка эришиш учун тайёрлаган кенг қўламли дастурида 40 дан ортиқ швед фирмасининг иштироки режалаштирилган.

ЕР СИЛКИНИШИ

Калифорния штатининг жанубида Рихтер шкаласи бўйича 4,8 балл куч билан ер қимирлади.

Зилзила оқибатлари ҳақида маълумотлар ҳали олингани йўқ.

КАПИТАН КЕЧИРИМ СУРАДИ

Шанхай вилоят суди Америка Қўшма Штатларидан металл олиб келаётган Россия юк кемасига рухсатсиз бандаргоҳга киргани учун жарима солди.

«Чайна дейли» газетасининг хабар беришича, жариманинг миқдори 40 минг юан (4 минг 600 доллар) қилиб белгиланди. Россияга қарашли кема капитани кечирим сўради ва суд чиқарган ҳукмни тан олди.

ШИФОБАХШ ИЧИМЛИК

Тожикистон Вазирлар Кенгаши ҳузуридаги озиқ-овқат саноати ва қайта ишлаш қўмитасининг озиқ-овқат муаммолари бўйича илмий тадқиқот институти олимлари болалар ҳамда аёллар орасида кенг тарқалган анемия — камқонлик касалини даволашнинг самарали йўлини топишди.

Майдаланган олма ва ошқовоқдан иборат ҳамда микроэлементлар, аминокислоталар билан бойитилган ширинликлар юқоридаги касалликка чалинган беморларни даволаш хусусиятига эга экан. Айни кунларда Душанбедаги «Ширин» кондитерлик фабрикасида бундай маҳсулотлар кўп миқдорда тайёрланмоқда.

• *Бугуннинг гапи*

ЯШИЛЛИК — ҲАЁТ РАМЗИ

МУАЛЛИФ ҲАҚИДА: Ортиқали Тиловбердиев 43 йилдан буён журналистика соҳасида қалам тебратиб келаяпти. У 1959 йилда Тошкент қишлоқ хўжалиги институтини тугаллагач, республика ва туман газеталарида ишлади, Сирдарё вилояти радиосига раҳбарлик қилди. 1970 йилдан буён эса Ўзбекистон радиоси «Иқтисодиёт ва қишлоқ ҳаёти» муҳарририятининг бош муҳаррири.

Ортиқали ТИЛОВБЕРДИЕВ

Биз ҳамиша ва ҳамма вақт табиат қучоғига интилиб яшаймиз. Бунинг асло ажабланадиган ери йўқ. Чунки инсон — табиат фарзанди, унинг олий маҳсули, энг улуғ мўъжизаси. Шу боис биз она бағрига талпингандек, ямяшил оламга ҳам интиламиз. Инсонга гўзалликдан баҳраманд бўлиб яшашдек имконият ва бахтни ҳам табиат инъом этган.

Лекин фарзанднинг она олдида катта ва бир умр узиб бўлмас қарзи бўлганидек, инсонларнинг ҳам жонажон табиат олдидаги бурчи, масъуллиги беқиёс ва беўлчовдир. Бас, шундай экан, табиатни янада яшнатиш, уни яшилликка буркаш, чиройига чирой қўшиш, саховатини ошириш — ҳаммамиз ва ҳар биримиз учун ҳам қарз, ҳам фарз.

Табаррук заминимизнинг нақадар гўзаллиги ва биз учун ниҳоятда қимматли эканлигини республикамиз мустақил давлат суфатида фаолият кўрсатаётган бугунги кунда ҳар қачонгидан кўра чуқурроқ ҳис этиб турибмиз. Бу туйғу бобокалонларимиздан мерос қолган бўлиб, табиатни эъзозлаш — Ватанни эъзозлаш, демакдир.

Серҳосил ва фусункор ўлкамизнинг янада кўркам, табиати мусаффо ва сўлим бўлишида, мўл-кўлчилик масканига айланишида кенг жамоатчилик, қолаверса, ҳар бир кишининг муносиб ўрни, ибратли улуши бўлиши керак.

Боғдорчилик ва узумчилик — қишлоқ хўжалигининг асосий тармоқларидан ҳисобланиб, маъмурчиликнинг яратилиши, дастурхонимизнинг тўкин бўлиши ана шу соҳа ривожига кўп жиҳатдан боғлиқ. Меваси мўл бўлган юртда эса серобчилик ривож топавериши аниқ.

Республикамизда умрини боғдорчиликка бағишлаб, маъмурчилик яратишдек хайрли, савобли ишга муносиб ҳисса қўшган соҳибкорлар кўп бўлган. Уларнинг боғдорчилик бобидаги беназир, беқиёс хизматлари, жонбозлик, жонкуярликлари ҳар қандай мақтовга сазовордир.

Бугунги кунда ҳам тармоқда ўзига хос тажриба мактаби яратиб, юртдошларининг ҳурмат-эҳтиромига муяссар бўлаётган табиатан боғбон инсонлар талайгина. Ана шулардан бири Худоёр Латиповдир.

Ёшликдан боғ шайдоси бўлган Худоёр ака нафақага чиқди-ю, ўзини соҳибкорликка урди. Ўн йилдан ошдики, Зарбдор туманидаги «Тараққиёт» давлат хўжалиги қошида ташкил этилган «Боғистон» боғдорчилик ижара уюшмасининг раиси.

— Чўлда боғ яратиш осон бўлмагандир? — сўраймиз ундан.

— Э, нимасини айтасиз. Қумга ташланган балиқдай қийналган пайтларимиз кўп бўлди, — у ўтган йили янгидан ташкил этилган боғдаги ниҳолларга маъноли нигоҳ ташлаб, сўзида давом этди. — Қийинчиликларга чидадик, бўлмаса бу боғлар қаерда эди...

Худоёр ака бошлиқ боғбонлар етиштираётган олма, шафтоли, ўрик сингари чўл неъматларидан эндиликда нафақат зарбдорликлар, балки Жиззах вилоятининг бошқа туманлари меҳнаткашлари ҳам баҳраманд бўлишмоқда. Бу — хайрли ишларнинг дебочаси. Саховат сандиғи энди очиляпти, ҳисоб. Ҳадемай «Боғистон»дан чиққан ҳосил карвонлари турнақатор бўлиб республикамизнинг турли томонларига йўл оладиган кунлар келади.

Тиниб-тинчимас соҳибкор ҳаёт нарвонининг етмиш бешинчи пиллапоясига кўтарилди. Лекин у киши билан гаплашсангиз, қалбига қулоқ тутсангиз, орзулари ҳамон бир олам эканлигига, режалари беҳисоблигига ишонч ҳосил қиласиз ва бундан завқланасиз.

— Ўзбекистонимиз мустақил давлат бўлдими, аравасини ҳаммамиз баравар тортишимиз, бирдай жон куйдиришимиз, уни боғ-роғларга буркаб, яшил бойлигини кўпайтирмоғимиз даркор, — дейди Худоёр ака.

Шижоатли бу инсон ҳозирги кунда янада ғайрат билан меҳнат қилмоқда. Баҳор — ғанимат. Кўпроқ кўчат ўтқазиб, янги боғ барпо этиш керак. Экин-тикин билан боғлиқ бошқа юмушлар ҳам вақтида бажарилиши талаб этилади.

Ана шундай олижаноб замондошларимиздан яна бири Қултўра Қўзимуродовдир. Мана йигирма беш йилдирки, Қултўра ака билак кучини, ақл-заковатини, қалб кўрини Сурхондарёнинг Бандихон даштида боғ-роғлар, узумзорлар яратишдек савобли ишга сарфлаб келаяпти. Унинг раҳбарлигида қисқа давр мобайнида чўл ўрнида киши ҳавас қилса арзигудек ажиб гўша — мўл-кўлчилик маскани барпо этилди.

Бугунга келиб «Бандихон» хўжалигида боғ ва узумзорлар майдони 700 гектарга етди. Боғда жаҳоннинг турли бурчакларида ўсадиган дарахтларнинг 2 мингга яқин навини учратиш мумкин. Лимонарий неъматидан ҳамма баҳраманд. Хурмо, унаби, беҳи каби мева турлари кўплаб етиштирилмоқда. Бу ерда кўчат тайёрлаш ҳам йўлга қўйилган.

Қани энди юртимизда Худоёр оға, Қултўра ака сингари боғ шайдолари янада кўпайса, уларнинг сафи янада кенгайса! Бир туп дарахт уч авлодга мева беришини инобатга олсак, ана шу саховатпешалар яратган боғ-роғлар ҳали узоқ йиллар эл-юртга ризқ-рўз улашади. Бу эса боғбоннинг иши савоби, умри боқийлигидан далолат.

Биз ҳикоя қилган кишилар сингари жонкуяр боғбону соҳибкорлар фаолият кўрсатаётган хўжалик ва туманларда мўл-кўлчилик йўлида тузуккина натижаларга эришилмоқда. Бунга мисоллар бирталай. Лекин боғнинг умрини беқорга ўтказаётган, гектаридан атиги 4—6 центнердан мева, токнинг ҳар тупидан бор-йўғи бир бошгина узум олаётган хўжаликлар борки, бунга кўймай иложингиз йўқ.

Хўш, бундай нохуш ҳолларни бартараф этиш имкониятлари борми? Бор, албатта. Боғдорчилик ва узумчиликни деҳқончилигимизнинг таркибий қисмига айлантириш учун, энг аввало, кўпроқ кўчат экиб, боғ яратиш, унинг заминини мустаҳкамлаш талаб этилади. Кўчат ўтқазиш ойликлари пировард натижа билан, яъни экилган кўчат туплари тутган-тутмаганлиги, қандай парвариш қилинаётганлиги билан баҳоланади.

Республикамизда мавжуд боғларнинг 16, узумзорларнинг 15 фоизи сийраклигини ҳисобга олиб, айни кунларда қаторларини тўлдиришга эътиборни қаратмоқ зарур. Энг муҳими — ҳосилдорликни ошириш асосий вазифа эканлигини унутмаслик керак.

Бу ишларнинг бекамикўст ижроси кўп жиҳатдан жойларда иқтисодий ислоҳотнинг қай даражада амалга оширилаётганлигига боғлиқ. Президентимиз фармонларига амал қилиб, боғдорчилик ва узумчиликда ҳам хусусийлаштиришни кенг жорий этиш талаб этилади. Боғ ва токзорлар ўзининг ҳақиқий, жонкуяр эгасини топмоғи керак. Ана ўшанда фаровонлик эшиги кенг очилади.

Энди Ўрмончилигимиз имкониятлари ҳақида икки оғиз. Ўрмонларнинг республикамиз халқ хўжалигида тутган ўрни салмоқли. Ўрмон нафақат ноз-неъматлар кони, айни чоғда ҳавоси тоза, сўлим оромгоҳ ҳамдир.

Ўрмонлар ёғоч бозори чаққон ҳозирги кунларда, айниқса, муҳим аҳамият касб этмоқда. Маълумки, яқинда республика ҳукумати диёримизда теракзор, қарағайзор ва ёнғоқзорларни барпо этишга оид махсус қарор қабул қилди. Бу ўз вақтида қабул қилинган муҳим дастур бўлиб, мамлакатимизда ёғоч тақчиллиги муаммосини ҳал этиш имконини беради.

Терак — серхосиятли дарахт. Қаерда теракзорлар барпо этилган бўлса, ўша жойнинг кўркамлиги кўзни қувнатади, кишини ҳайратга солади. Унинг янада муҳим жиҳати борки, теракзорлар тез ўсувчи дарахт бўлиб, нисбатан қисқа вақт мобайнида нафи тегиши, яъни ёғоч сифатида қурилишда кенг фойдаланилишидир.

Биз узоқ йиллар Сибирь ўрмонларидан келадиган вагон-вагон тахта-ёғочларга кўз тикишга ўрганиб қолдик. Энди эса Ўзбекистонимизнинг иморатбоп тахта-ёғочга бўлган талаб-эҳтиёжини қондирадиган ишончли манбани қидириб топишимиз керак. Вазирлар Маҳкамасининг ҳужжатида ўринли таъкидланганидек, бунинг бирдан-бир йўли — юртимизда ўрмончиликни жадал ривож топтириш, баҳорнинг ҳар бир кунидан унумли фойдаланиб, ҳамма жойда терак ва бошқа тез ўсувчи дарахт кўчатларини кўпроқ экиш ва тўла тутиб қолишини таъминлашдир.

Қарорда 1994 йилдан 2003 йилгача бўлган даврни ичида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, водийлар, туман ҳокимлари, хўжаликларнинг раҳбарлари ўнга бош-қош бўлишса, кўзланган мақсадга эришилиши турган гап.

Шу масала билан боғлиқ яна бир таклиф. Модомики, республикамизда яшил бойликларни кўпайтириш масаласи кўтарилаётган экан, назаримизда, Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси қошида ёнғоқ, бодом, писта етиштириш билан бевосита шуғулланадиган махсус бўлим ташкил этиш мақсадга мувофиқдир.

Энди тут хусусида тўхталсак. Халқимизда: «Бир йил тут эккан қирқ йил дур теради»,— деган нақл бор. Дарҳақиқат, бу шифобахш неъмат ҳам табиат эҳсони бўлиб, танани яйратади, билакка куч, белга қувват, иликка дармон бахш этади.

Аввалари тут дарахти ҳар бир ҳовлида бўлмасада, ҳар иккисининг бирида ўстириларди. Энг кўп экиладиган ва меваси сўюб танаввул қилинадиган дарахтлардан бири ҳам ана шу тут ҳисобланарди. Бироқ сўнгги бир неча ўн йиллар давомида бу дарахт тури ҳам эътибордан четда қолди. Эндиги вазифа пиллачилигимизнинг асосий озуқа манбаи ҳисобланган ва меваси кенг истеъмол қилинадиган, танаси бешик, мусиқа асбоб-ускуналари ясашда ҳам асқотадиган, хуллас, турган-битгани хазина саналган тут дарахтларини кўпайтириш, тутчиликни бутун чоралар билан ривожлантиришдан иборат.

Терак, ёнғоқ, тут ва бодом сингари дарахтларни нафақат ўрмонзорларда, жамоа, давлат хўжаликларининг ерлари ва томорқаларда, балки йўл четларида, ариқ, қанал ва сув ҳавзалари атрофларида, шаҳар, туман марказларида, ташкилот, муассаса ва болалар боғча-яслилари ҳовлиларида ҳам ўстириш имкониятлари бор. Шундай иш тутилса, ҳам дилтортар, кўнгилочар, хушманзара ва соя гўшаларга, ҳам тансиқ неъматларга эга бўламиз.

Сир эмаски, баъзи кишилар табиат манзарасига «маҳлиё» бўлиб, дала ва тоғларимиз бағрида, ўрмонларда сайру саёҳат қилишади. Гўзал ва серсаховат табиат қучоғида дам олиб, ҳордиқ чиқаришар экан, ўзларидан «эсдалик» қилиб шиша, темир қутича, салафан қоғоз, картон ва бошқа нарсаларни ташлаб кетишади. Айримлари сервиқор дарахт танасига ўз исм-шарифларини ўйиб ёзиб қолдиришади. Шохшаббаларини синдириб, зирлик ва идораларга катта-катта майдонларда теракзор, қарағайзор ҳамда ёнғоқзорлар барпо этиш вазифаси юкланган.

Агар тарихга мурожаат қиладиган бўлсак, халқимиз азалдан силлиқ терак ўстириб, унинг соя-салқинидан баҳраманд бўлиб, етилганида кесиб, иморат қуришда ёғоч-тахта сифатида ишлатиб келган. Оилада ўғил туғилса, яхши ният билан терак ўтқазиш одат тусига кирган. Лекин, афсуски, кейинчалик бу анъана, удум унутилди. Ҳозир унинг тикланаётганлиги кўнгилдагидек иш бўлаяпти.

Тўғри, сўнгги 2—3 йил мобайнида қишлоқларимизда теракзорлар барпо этишда сезиларли силжишлар бўлди, муайян ютуқларга ҳам эришилди. Масалан, Қўқон ўрмон хўжалигида 900 гектардан зиёд майдонда теракзорлар ташкил этилди. Жиззах вилоятида икки ярим минг гектар майдонда теракзор барпо этишга киришилди. Наманган ўрмон хўжалигида ҳам бу борада ибратли ишлар амалга оширилмоқда. Фарғона вилояти аҳолисининг шахсий томорқаларида кўплаб терак ўстирилаётганлиги эса таҳсинга сазовордир.

Дарвоқе, Сирдарё вилояти, Гулистон туманидаги «Ўзбекистон» жамоа хўжалигида Ўрозали Ҳожимуродов деган бир танишим бор. Қишлоқдагилар уни «терак шайдоси» деб ҳам таърифлашади.

Дарҳақиқат, Ўрозали теракка ўта ўч. Ҳар йили томорқасига терак қаламчаларини қадагани-қадаган. Бундан бир неча йил бурун ўтқазган кўчатлари сарвқомат дарахтларга айланиб, иморатга ярайдиган ҳолга келиб қолди.

У билан терак мавзусида суҳбатлашсангиз борми, яйраб кетади, қулфи-дили очилади. Теракка обдон таъриф бериб, охирида: «Терак — керак, оғайним. Мана, ўғилларим бирин-кетин эр етаяпти, уйланишяпти. Уларга уй қуриб беришда ана шу мирзатераклар асқотади-да»,—дейди.

Бундай ижобий тажрибаларни республика бўйича кенг ёйиш, оммалаштириш, кўпчиликнинг мулкига айлантириш фойдадан холи эмас. Лекин бу ҳаракатлар ўлкамизни яшилликка буркаш йўлидаги дастлабки қадамлардир. Ўзбекистон Ўрмон хўжалиги давлат қўмитасидан олинган расмий маълумотга қараганда, Фарғона водийси, Самарқанд ва Сирдарё вилоятларида яшил дарахтлар аҳоли сонига нисбатан бор-йўғи 0,7—1 фоизни ташкил этар экан. Бу — табиатга меҳр керакликидан, ҳали мақташга арзийдиган ўрмонларимиз йўқлигидан, борларига ҳам эътибор камлигидан далолат.

Икки оғиз ёнғоқ ҳақида. Унинг меваси танга роҳат, белга қувватдир. Мутасадди олимларнинг маълумотларига қараганда, ёнғоқ тўйимлилиги жиҳатидан мол гўштидан етти маротаба устунликка эга. Мазаси эса кўп мевалардан анча юқори.

Сўнгги 2—3 йил мобайнида ёнғоқ етиштиришни кўпайтиришга, бунинг учун жойларда махсус ёнғоқзорлар барпо этишга киришилди. Лекин бу борада ҳали бажарилиши лозим бўлган ишлар, фойдаланилмай ётган имкониятлар талайгина. Мутахассисларнинг таъкидлашларича, Самарқанд вилоятида кенг майдонларда ёнғоқзорлар барпо этиш мумкин. Вилоятнинг Қўшработ ва шу сингари бирқанча туманларида ёнғоқзорларни кенгайтириш айни муддао. Бошқа вилоятларда ҳам ёнғоқзорлар ташкил этиш имкониятлари мавжуд. Ҳамма гап ҳафсала ва эътиборда қолган. Агар кўпчилик бу ишга маъмурчилик дарёсини бунёд этишнинг бир жилғаси сифатида қараса, виноднр ва ноёб дов-дарахтларга озор беришади. Меваси пишиб етилмасданоқ қоқиб, ерга тўкиб, нест-нобуд қилишади. Уволига қолишни асло хаёлларига келтиришмайди. Ўйиндан ўт чиқаришиб, ўрмонга ўт кетказишади. Бундай «гўзалик шайдолари»ни она бағрига жароҳат етказган ноқобил фарзандларга қиёслагинг келади.

Хўш, бундай нохуш ҳолларга қачон чек қўйилади? Қачон табиатимизни асраб-авайлашни, ардоқлашни ўрганамиз? Беэътиборликнинг белига қачон тепилади? Нега бундай ножўя ишларга, эртани ўйламаслик ҳолларига бефарқ қарайміз?!

Табиат муҳофазаси хусусида аниқ тадбирлар белгилашнинг, амалий ишга ўтишнинг вақти-соати келди. Ахир, у — ҳаёт онаси. Унинг саховати чексиз. У кишиларни кийинтирадиган, тўйдирадиган, яшил ўпка сифатида беминнат хизмат қилиб, ҳавони тозалаб берадиган набатот олами, оби ҳаёт — зилол сувлари, дилга ҳузур, танга роҳат бағишлайдиган сержилва боғу роғлари, азим тоғлари билан гўзал. Модомики, биз табиат фарзанди, табиат инъом этган гўзаллик шайдоси эканмиз, уни кўз қорачиғидек сақлай билишимиз, заррача бўлса ҳам завол етказмаслигимиз керак-ку!

Табиатни муҳофаза қилиш — Ватанни муҳофаза қилиш билан баробар. Уни бир-биридан айри тасаввур қилиш асло мумкин эмас. Шундай экан, ҳаммамиз, ҳар биримиз ўзимизга ҳаёт ато этган кўркам, мўъжизакор табиатнинг мусаффо, сўлим ва берахна бўлиши учун астойдил курашмоғимиз, атроф-муҳитни покиза сақламоғимиз, табаррук заминимиз либоси, бебаҳо зийнатимиз ҳисобланган ўрмонларни асраб-авайламоғимиз, саховатини оширишга жон куйдирмоғимиз даркор.

Ҳозир айни кўчат ўтқазиш пайти. Бу мавсумда неъмат берадиган, нафи тегадиган, соя-салқинидан баҳраманд этадиган нав-ниҳолларни кўпроқ ўтқазишга эътиборимизни қаратмоғимиз зарур.

Шу ўринда Сурхондарё вилояти ҳокимлигининг «Вилоятимизни боғ-роғларга буркайлик» шиори остидаги мурожаати диққатга сазовордир. Сурхондарёликлар уни ўз мавридида чиққан даъват деб қабул қилишиб, кўчат ўтқазиш, боғ-роғлар барпо этиш, кўкаламзорлаштириш, ободонлаштириш икки ойлигини тўла шай ҳолда кутиб олдилар. Олдиндан етарли миқдорда мевали ва манзарали дарахт кўчатлари тайёрланиб, боғ, токзорлар, теракзорлар яратиладиган майдонлар, хиёбонларга мўлжалланган жойлар ҳозирлаб қўйилиб, иш жадал бошлаб юборилди.

Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи Бухоро вилояти қўмитаси ҳам хайрли ташаббус билан майдонга чиқди. Унинг шиори: «Ҳар бир ёшга — бир кўчат». Демак, ушбу кўчат экиш мавсумида вилоятдаги ёш-ялангларнинг ҳар бири кам деганда биттадан кўчат ўтқазади.

Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи Марказий Қўмитаси котибияти мазкур ташаббусни маъқуллаб, қарор қабул қилди. Бу ҳужжатда Ёшлар Иттифоқи вилоят, шаҳар, туман қўмиталари ушбу савобли ишга яқдиллик билан қўшилишларига даъват этилади. Мустақил мамлакатимизнинг навқирон наслининг мақсади эса битта: «Мустақиллик», «Туркистон», «Ёшлар боғи», «Амир Темур» номли янги боғлар барпо этиш, жонажон Ватанимизни боғу бўстонларга буркашдир.

Кўчат ўтқазиш мавсуми қизғин давом этаётган кунларда биз Ўзбекистон Республикаси Фахрийлар ташкилотлари уюшмаси кенгашининг раиси Бектош Раҳимовдан кексаларимизнинг бу хайрли ишга қандай ёндашаётганликларини билишни истадик. Бектош ака қисқа ва лўнда қилиб шундай жавоб бердилар: «Халқимизда: «Боғ яратган — жаннати», деган нақл бор. Республикамизнинг барча фахрийлари бу савобли юмушда бевосита иштирок этмоқдалар. Бой билим ва ҳаётий тажрибаларини ишга солиб, ўлкамизни боғ-роғларга буркаш, бебаҳо яшил бойликларимизни кўпайтириш, саховатини оширишга бош-қош бўлишмоқда».

Кўриб турибсизки, кўчат экишдек хайрли, савобли ишда етти яшардан 70 ёшгача бўлган барча юртдошларимиз фаол иштирок этмоқда. Эндиги гап ҳамма жойда уларни қўллаб-қувватлашда, амалий тадбирлар билан жавоб беришда қолган.

Эзгу ният, ширин тилак, муштарак мақсадимиз шулки, ўлкамизда болтомар мевазорлар, узумзорлар, шовуллаган ўрмонзорлар кенгайсин. Ҳар бир юртдошимизнинг дастурхони мевачевага, наботот оламининг турфа ноз-неъматларига сероб бўлсин. Жаҳонга юз тутаётган келажаги буюк Ўзбекистонимиз сарҳадлари яшилликка, гўзалликка буркансин!



Халқ таълимида ислоҳот

МАОРИФИМИЗДАГИ ИЛЛАТЛАРНИНГ ИЛДИЗИ

Ёш авлодни ҳар томонлама чуқур билимли қилиб вояга етказиш мақсадида кўплаб тадбирлар амалга оширилаётир. Хусусан, «Таълим тўғрисида»ги Қонуннинг қабул қилиниши, олий ўқув юртларида тест синовларининг жорий этилиши ва бошқа кўплаб тадбирлар фикримизнинг яққол далилидир. Бу соҳага ажратилаётган маблағнинг ҳам ҳеч кам жойи йўқ.

Биргина Чироқчи туманидаги мавжуд 146 та мактабда салкам 54 минг нафар ёш таълим олади. Уларга 5212 нафар муаллим ва 2313 нафар халқ таълими ходими сабоқ бермоқда. Туман бўйича ушбу соҳа учун бир йилга 8 млрд. 247,6 миллион сўм маблағ ажратилган. 25 минг нафардан зиёд бошланғич синф ўқувчисининг бепул нонуштасига туман маҳаллий бюджетидан қарийб 1,5 миллиард сарфлаш кўзда тутилган бўлса, ўқитувчиларнинг газ, электр энергияси ва ичимлик сувидан фойдаланишларида имтиёз учун 500 миллион сўм ажратиш режалаштирилган. Юқоридаги рақамлардан кўриниб турибдики, халқ таълими соҳаси етарли миқдорда маблағ билан таъминланмоқда.

Лекин гапнинг сирасини айтганда, халқ таълими соҳасига сарфланаётган маблағнинг самараси кам. Бунинг сабаблари жўн ва оддий. Масалан, ҳисоботлар элакдан ўтказилганида, нега фалон сўм фойдаланилмай қолди, деб сўралади-ю, бироқ харж қилинган маблағнинг самараси билан ҳеч ким қизиқмайди. Ҳолбуки, маориф соҳасига ажратилаётган маблағдан унумли фойдаланиш йўли билан ҳаражатларни қисман бўлса-да, камайтириш мумкин. Қолаверса, хазинадаги мавжуд маблағнинг ҳар бир тийинидан тежаб-тергаб, омилкорлик билан фойдаланиш бугунги кунда, айниқса, катта аҳамиятга эга.

Биринчи навбатда, умумтаълим мактабларига хизмат кўрсатиш соҳаси бўйича штат ва лавозимлар меъёрини қайта кўриб чиқиш керак. Негаки, ҳалигача маориф соҳасида алмисоқдан қолган эски типовой штат меъёрларидан фойдаланиб келинмоқда. Мазкур буйруқ ва қўлланмаларда эса асосан бир жўмракни бураса, иссиқ сув, иккинчисини бураса, совуқ сув келадиган стандарт типовой мактаблар шароити кўпроқ эътиборга олинган бўлиб, бу бизнинг шароитимизга кўпам тўғри келавермайди. Демоқчиманки, **маҳаллий шарт-шароитларни пухта ўрганиб, халқ таълимидаги штатлар ва сарф меъёрлари ишлаб чиқилиши лозим. Бунда вилоят, шаҳар, ва туман ҳокимларига ваколатлари доирасида эркинлик берилса, яхши бўларди, деб ўйлайман.**

Ишлаб чиқариш соҳасида меҳнат қилаётган ҳар бир ишчи ўзи тайёрлаган маҳсулотнинг сифати, самарадорлиги учун масъул. У бунинг учун жавоб беради ҳамда меҳнат унумдорлигига қараб, ҳақ олади, моддий ва маънавий рағбатлантирилади. Сифатсиз маҳсулот тайёрласа, бунинг мутлақо акси бўлиши табиий. Мадомики, шундай экан, **нега энди ўқитувчи ўзи таълим берган ўқувчининг билим кўрсаткичи учун жавоб бермаслиги керак?** Ахир, у ҳам ана шунинг ортидан нон ейди-ку!

Фикримизга далил сифатида ҳаётий бир мисол келтирмоқчиман. Туман ҳудудидаги замонавий мактаблардан бирига иш юзасидан йўлимиз тушиб қолди. Саккизинчи синфда арифметика дарси кетаётган экан. Ўқувчиларнинг билим даражаларини синаб кўриш мақсадида тўртинчи синфда ўтиладиган математикага оид бириккита савол бериб кўрдим. Афсуски, синфдагиларнинг бирортаси ҳам саволларимга жавоб бериша олмай мулзам бўлиб қолишди. Худди ўша саволларни тўртинчи синф ўқувчиларига берганимда, улар бийрон тилда жавоб беришди.

Хўш, бу ҳол нимадан далолат беради? Ҳамма гап шундаки, ўша саккизинчи синф ўқувчиларига вақтида математикадан сабоқ берган муаллим ўз вазифасига масъулиятсизлик билан қараган. Оқибатда, ўқувчилар синфни чала савод билан битириб чиқаверган. Ана шундай жузъий ҳолларга барҳам бериш учун ҳам ўқитувчиларнинг билим бериш даражасини аниқлайдиган бирон бир асосий мезон-кўрсаткич ишлаб чиқилиши керак. Айтайлик, бошланғич таълим ўқитувчиси болаларни мактаб остонасига илк қадам қўйган пайтдан тўртинчи-бешинчи синфгача ўқитгач, охирида жамоатчилик вакиллари ва масъул комиссия олдида синовдан ўтказиб топширса, унинг қилган меҳнатлари яхшими, ёмонми ўзининг ҳаққоний баҳосини олиши, табиий. Шундай қилинган тақдирда синов натижасидан келиб чиққан ҳолда, ўқитувчига нисбатан юқоридаги усулни қўллаш мумкин бўлади. Лекин шуниси ҳам борки, бошланғич синф ўқувчиларини ўқитишга ўз касбини жондилидан севувчи, қобилиятли, билимдон, тажрибали ҳамда ўқитиш методикасини чуқур билган ва энг муҳими, мурғак қалбларга кириб бора оладиган муаллимларни кўпроқ жалб этиш даркор. Чунки, ҳазрат Алишер Навоий айтганларидек, билимли бўла-туриб, уни ишлата олмаган фозилнинг ер ҳайдаб экин экмаган деҳқондан сира фарқи йўқ.

Мактаблардаги мавжуд штат бирликларини ҳам қайта кўриб чиқиш лозим. Бунда директор ўринбосарлари каби лавозимларни имкон қадар қисқартирган маъқул. Негаки, кўпчилик қишлоқ мактабларида бундай лавозимларга сира ҳожат йўқ. Кейинги пайтларда ўқувчилар билим савиясининг пасайиб кетганлигига мактаб раҳбарияти сонининг кўпайиб кетиб, ўқув-тарбия ишларини бир-бирларига ташлаб қўяётганликлари ҳам сабаб бўлаётганлиги, сир эмас. Шу ўринда, яна бир шахсий мулоҳазамни ўртага ташламоқчиман. Менимча, ўқитувчиларга бериладиган имтиёзларни ҳам бир ўйлаб кўрсак, яхши бўларди. Имтиёзларни биринчи навбатда улар тайёрлаган ўқувчининг билим даражасига қараб беришнинг қандайдир йўлларини ўйлаб топиш ва амалда жорий қилиш керакка ўхшайди.

Эшмамат АБРАЕВ,
Қашқадарё вилояти, Чироқчи тумани ҳокимлиги молия бўлими мудири, молия хизмати аълочиси.

ДАРС ТЕСТГА ТАЙЁРЛАЙДИ

Ўқувчиларнинг саводхонлигини ошириш, уларнинг фанга бўлган қизиқишларини янада мустаҳкамлаш мақсадида бугунги кунда кўплаб ўқитувчиларимиз ҳозиргача бизда ноанъанавий бўлган дарс ўтиш усулларини ўз иш фаолиятларида қўлламоқдалар.

Шахсан менинг ўзим ҳам бир неча янги дарс усулларини тажрибамда синаб кўрдим. Шулардан бири дарс-викториндир. Дарсга Останкино телевидениесининг «Иқболи кулганда» телевикторинаси асос қилиб олинган бўлиб, у 45 минут давом этади. Бунинг эътиборли томони шундаки, у фақатгина ўқувчилар фикрлаш қобилиятини ўстирибгина қолмай, балки уларни тест синовларига ҳам тайёрлайди.

Дарсда ҳар бир ўқувчи рамзий маънода геометрик шакллар (доира, квадрат, ромб, учбурчак, трапеция) воситасида тартиб билан жойлаштирилади. Тахтада ўқувчиларга бериладиган саволнинг жавоблари устида ҳам бу шакллар худди шу тартибда терилади. Дарс уч босқичдан иборат бўлади. Биринчи босқичда шу бобга доир тарихий маълумотлар юзасидан 4 ёки 5 та савол берилади. Ҳар бир берилган саволга ўқитувчининг ишораси билан ўқувчи ўзининг тўғри деб ҳисоблаган жавобга мос келувчи шаклни кўрсатади. Ўқитувчи эса кўтарилган шаклларга қараб тўғри жавоб берган ўқувчиларни белгилаб боради

Иккинчи босқичда шу бобнинг назарий қисмига доир 8—10 та савол берилади ва умумий баллар жамланиб, энг юқори балл эгалари учинчи босқичга йўлланма олишади. Учинчи босқичда эса саволлар анча мураккаблаштирилади. Ундан ҳам муваффақиятли ўтган ўқувчилар финалда иштирок этадилар. Финал иштирокчиларига математик жумбоқлардан ташқари турли қизиқарли саволлар, топишмоқлар, тез айтишлар берилади. Шу тарика ғолиб албатта кичик бўлса-да, совға билан мукофотланади...

Саодат РАҲИМОВА,
Самарқанд вилояти Пахтачи тумани, 24-мактаб ўқитувчиси.

Андижон вилоятининг Булоқбоши кооператив савдо бирлашмаси жамоаси аҳолига намунали хизмат кўрсатмоқда. Айниқса, бирлашманинг қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқариш цехи бу борада ибратли ишларни амалга оширмоқда .Цехда айни кунда 15 хилдан ортиқ қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқарилмоқда.

Шуниси диққатга сазоворки, қандолат цехида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар савдо тармоқларига бозордагидан 20—25 фоиз арзон нархда етказиб берилмоқда.

СУРАТДА: цех бошлиғи Одилжон Асқаров, бирлашма бошлиғи Аъзамжон Камолов.

Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.

• *Ўзбекистон футбол мамлакати бўлади*

АҚШ ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИ ТЎПИ ТОШКЕНТ ТУРНИРИ МАЙДОНИДА

ЎТГАН куни пойтахтимизнинг Марказий «Пахтакор» ўйингоҳида футбол бўйича халқаро турнир ўйинлари бошланди. Тўғриси ушбу турнирнинг очилиш маросими тантанавор, байрамона тус олишини меҳмонлар ҳам, ўйингоҳга ташриф буюрган ўттиз беш мингдан ортиқ мухлислар ҳам кутишмаган эди. Туркманистон ва Ўзбекистон миллий терма жамоалари ўртасидаги учрашувдан сўнг бўлиб ўтган матбуот конференциясида Туркманистон миллий терма жамоасининг бош мураббийси Байрам Дурдиевнинг айтган сўзлари ҳам фикримизни тасдиқлайди: «Биз Тошкент турнирининг бундай тантанавор, кўтаринки руҳда очилишини кутмаган эдик. Эллик минг кишига мўлжалланган ўйингоҳнинг деярли лиқ тўлиши ва уларнинг уюшқоқлик билан ўз жамоаларини олқишлаши бизни очиғи хайратга солди. Биз ўтган йили Эрондда шундай халқаро турнирда қатнашгандик. Гарчи ўйингоҳ юз минг томошабинга мўлжалланган бўлсада, у ерда бугунгидек одамлар йиғилмаганди. Умуман, Тошкент турнири Эрондагига нисбатан ташкилотчилик ва бошқа кўп жиҳатлари билан устунлик қилди».

Ҳақиқатдан ҳам «Тошкент-94 халқаро футбол турнири» ташкилий қўмитасини мухлисларга оламолам завқ-шавқ бағишлаган очилиш маросимининг байрамона ўтганлиги билан табрикласак арзийди. Футбол мухлислари ўйингоҳларда кўпдан буён бундай ажойиб тантаналарнинг шоҳиди бўлишмаган эди.

Тошкент-94 турнирининг очилиш тантаналарида Ўзбекистон Республикаси Бош вазири, мамлакат футбол федерациясининг президенти Абдулҳошим Муталов ва ФИФА вакили, Осиё футбол конфедерациясининг вице-президенти Жорж Жозеф сўзга чиқиб, турнир қатнашчилари ҳамда мухлисларни футбол байрами билан қутлашди. Юртимиз мадҳияси остида турнир байроғи кўтарилди.

Мусобақанинг очилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, халқаро турнир бўйича ташкилий қўмита раиси М. Қорабоев, Тошкент шаҳар ҳокими А. Фозилбеков, Республика давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитасининг раиси, Миллий Олимпия қўмитаси президенти С. Рўзиев иштирок этишди.

Халқаро турнир очиқ деб эълон қилингач, майдонга «Ялла» ансамбли чиқиб, футбол мухлисларига ҳаяжонли учрашувлар олдидан концерт дастурини ҳадя қилиб, уларга хушкайфият бахш этди. Шу лаҳзаларда ўйингоҳ ўриндиқлари бўйлаб мухлислар тўлқини қалқди. Унинг завқини фақат ўйингоҳга ташриф буюрганларгина билишади. Шундан сўнг майдонга Туркманистон ва Ўзбекистон миллий терма жамоаси ўйинчилари учрашув ҳакамлари — Абдуғани Ражапов (бош ҳакам), Виктор Колпаков, Қодир Чиннибеков (барчаси Қирғизистондан) етакчилигида чиқиб келишди.

Шуни айтиш керакки, АҚШ жаҳон чемпионатида ўйналадиган тўпдан Тошкент-94 турнирига беш дона келтирилган. Турнир давомида терма жамоалар айнан шу тўплар билан ўйнайдилар.

Учрашув мутахассислар ва мухлислар кутганидан кўра қизиқарли ва юқори савияда ўтди. Гарчи Туркманистонда ҳам Ўзбекистонда ҳам футбол мавсуми энди бошланганлигига қарамай, ўйинчилар майдонда деярли бехато, мазмунли ўйин намойиш қилишди. Айниқса, юртимиз миллий терма жамоаси ўйинида мақсад сари интилиш яққол кўзга ташланиб турди. Футболчиларимиз рақибларига нисбатан деярли барча томонлама устунлик қилишди. Тўғри, жамоамиз таркибида илгари хабар қилганимиздек Игорь Шквирин, Азамат Абдураимов, Миржалол Қосимов, Геннадий Денисовлар майдонга чиқишмади. Терма жамоа бош мураббийси Рустам Акромовнинг айтишича Игорь бетоблиги туфайли Тошкентга келолмаган. Абдураимов билан эса Малайзияга кетаётганида октябрда Хиросимада ўтказиладиган Осиё ўйинларига чақирилиши келишилган экан. Қосимов ва Денисовга «Спартак» (Владикавказ) жамоасининг муҳим ўйинлари борлиги учун жавоб беришмаган. Албатта бу ҳол ФИФА эътиборидан четда қолмайди, деб ўйлаймиз. Бунинг учун ФИФА низомида кўрсатилган чоралар қўлланади. Шундай бўлишига қарамай жамоамиз ажойиб ўйин кўрсатди. Дастлабки дақиқаларданоқ футболчиларимиз уюшқоқлик билан ҳаракат қилишиб, туркманистонликлар дарвозаси ёнида хавфли вазиятларни юзага келтира бошлашди. Айниқса, мураккаб вазиятларда Рустам Дўрмоновнинг рақиб жарима майдони сари йўл топа билиши кўзга ташланиб турди. Дарвоқе, ҳар икки терма жамоанинг бош мураббийси Рустамни ўйиндан сўнг ушбу учрашувнинг энг яхши ўйинчиларидан бири деб топишди. Лекин шу куни тўпурар ҳужумчимизнинг омади чопмади. Ҳисобни иккинчи бир тўпурар — жамоамиз сардори Шуҳрат Мақсудов биринчи бўлим охирида очишга муваффақ бўлди.

Иккинчи бўлим ҳам ҳамюртларимизнинг тезкор, шиддатли ҳужумлари билан бошланди. Меҳмонларнинг сунъий ўйиндан ташқари ҳолатни юзага келтиришга уринишидаги хаталаридан фойдаланган Абдуқаҳҳор Маъруфалиев иккинчи тўп муаллифи бўлди. Орадан ўн дақиқа ўтмай Рустам Абдуллаев туркманистонликлар дарвозасига учинчи тўпни киритди. Шундан сўнг ўйин бироз тенглашгандек бўлди. Меҳмонлар ҳам бир қанча қулай имкониятларга эга бўлиб, улардан тўлиқ фойдаланишолмади. Иккинчи бўлимда Мақсудовнинг ўрнига майдонга чиққан Нўъмон Ҳасанов тўртинчи тўпни туркманистонликлар дарвозасига йўллаб, учрашувга нуқта қўйди. Миллий терма жамоамиз 4:0 ҳисобида ютиб, биринчи ғалабани қўлга киритди.

x x x

Шу куни МҲСК ўйингоҳида Қозоғистон ва Тожикистон миллий терма жамоалари ўзаро куч синашишди. Дастлабки дақиқаларда тожикистонликлар устунлик қилишди. Айниқса, уларнинг «иккинчи қаватда» (яъни бош билан) уюштирган ҳужумлари Қозоғистон терма жамоаси дарвозаси олдида жиддий хавф туғдирди. Бир қанча қулай вазиятларда жамоа сардори, эндиликда Москванинг «Локомотив» клубида тўп сураётган Ҳўким Фузайлов имкониятлардан фойдаланолмади. Тенг кураш остида ўтган бу учрашувда Қозоғистон терма жамоаси футболчилари ҳам барча имкониятлардан тўла фойдаландилар, деб бўлмайди. Улар икки марта ўн бир метрлик жаримадан тўпни дарвозага йўллай олишмади. Ҳар икки жарима тўпини дарвозабон Сулаймонов қайтаришга муваффақ бўлди. Қозоғистон терма жамоаси таркибида еттинчи рақамда ўйнаган Капустников тезкор ҳаракатлари билан ҳамюртлари орасида ажралиб турди. Учрашув тақдирини ҳал қилган ягона тўп муаллифи ҳам айнан шу ўйинчи бўлди. Шундай қилиб қозоғистонликлар дастлабки икки очкони қўлга киритишди.

Навбатдаги тур учрашувлари бугун ўтказилади. МҲСК ўйингоҳида Қирғизистон миллий терма жамоаси туркманистонликлар билан куч синашади. «Пахтакор» марказий ўйингоҳида эса ҳамюртларимиз Қозоғистон терма жамоасига қарши майдонга чиқишади.

«МАВҚЕИНГИЗ ЎЗ ҚЎЛИНГИЗДА»

—ДЕИДИ ХАЛҚАРО ФУТБОЛ ФЕДЕРАЦИЯСИ (ФИФА) АЪЗОСИ, ОСИЁ ФУТБОЛ КОНФЕДЕРАЦИЯСИНИНГ (ОФК) ВИЦЕ-ПРЕЗИДЕНТИ ЖОРЖ ЖОЗЕФ

Мен ўйлайманки, ушбу турнир ҳақидаги ғоя ўша пайтда туғилган ва уни ўтказишни ўз зиммасига олган Ўзбекистон футбол федерациясидан миннатдормиз. Ўйлайманки, турнир байрамона, кўтаринки руҳда ўтади. Биз бу турнирда ўзимизни қизиқтирган саволларга жавоб оламиз деб ўйлайман. Мақсадимиз — ОФКнинг янги аъзолари бўлган Марказий Осиё футболи ва унинг аҳволи билан танишиш ва бу ҳудуддаги ҳакамларни кўздан кечириш.

— Жаноб Жорж ЖОЗЕФ, «Тошкент-94 халқаро футбол турнири» бонс мамлакатимизга ташриф буюриб, мана бир неча кундирки, Ўзбекистон футболи, унга яратилган шарт-шароитлар билан танишяпсиз. Дастлабки таассуротларингиз қандай?

— Тошкентга келишимиз биланоқ МҲСК ўйингоҳига ташриф буюрдик. Ўзбекистон миллий чемпионатининг МҲСК — «Нурафшон» учрашуви шоҳиди бўлдик. Ўйин менга ёқди. Юртингиз футболчилари анча тезкор ўйин намойиш қилишди. Учрашувда техник хатоликлар кўп такрорланди. Албатта, буни мавсумнинг энди бошланаётганлиги билан изоҳлаш мумкин. Бизнинг бу учрашувга ташриф буюришимиздан асосий мақсад халқаро турнирга ўйингоҳнинг тайёргарлик аҳволини текшириш эди. Шу мақсадда «Пахтакор» ўйингоҳига ҳам ташриф буюрдик. Жаҳон миқёсидаги халқаро турнирлар талабларидан келиб чиққан ҳолда баъзи жузъий камчиликларни қайд этдик. Бу ҳақда ташкилотчиларга ўз фикрларимизни билдирдик. Умуман олганда Ўзбекистон футболининг келажакда равнақ топиши учун имкониятлар кенг. Республикангизнинг Бош вазири футболга раҳбарлик қилаётгани ҳам кўп нарсадан далолат беради.

— «Тошкент-94 халқаро футбол турнири»ни ФИФА ва ОФК паноҳида ўтказиш ғояси қачон туғилди ва бу турнирдан қандай мақсад кўзда тутилган?

— Маълумки, ўтган йили Осиё футбол конфедерациясининг президенти Велаппан жаноблари юртингизга келган эди. Шуни айтиш жонзки, юртингиз ҳақида, футболингизнинг келажаги тўғрисида у киши жуда яхши фикрдалар.

— Бизнинг футболимиз шу пайтгача бевосита Европага боғланган эди. Шу боис футбол мухлислари Осиё футболи ва ОФК фаолияти ҳақида кўп нарсаларни билишмайди. Шулар тўғрисида икки оғиз фикр билдирсангиз.

— Осиё мамлакатларини биз футбол ривожига кўра уч қисмга ажратамиз, яъни тараққий этган, тараққиётга интилаётган ва футбол ривожланмаган ҳудудлар. Футбол тараққий этган мамлакатларга Қувайт, Саудия Арабистони, Жанубий Кореяни мисол қилиб кўрсатиш мумкин. Ривожланмаган мамлакатлар эса Бутан, Шри-Ланка, Непал ва бошқалар. Биз иложи борича бу давлатларга илмий-методик жиҳатдан ўз таклифларимиз билан ёрдам бераяпмиз.

— Ўзбекистон футболи айни дамда қайси тонфага киради?

Биз мамлакатларни тоифаларга ажратганда асосан ўша маълум юрт миллий терма жамоалари ва клубларининг халқаро майдонда эришган натижаларини инобатга оламиз. Шунингдек, мамлакатнинг ички чемпионатлари даражаси, футболчиларининг халқаро майдонда эгаллаётган мавқеи, Тошкент турнири каби халқаро мусобақаларнинг ўтказилиш савиялари ҳам кўзда тутилади. Албатта, ўзбекистонлик футболчиларнинг қизиқишини тушунаман. Лекин юртингизнинг ОФКда қандай мавқега эга бўлишини биз эмас, балки терма жамоаларингиз ва клубларингизнинг расмий турнирларда қай даражада қатнашиши белгилайди. Ҳозирча бир нарса дейиш қийин, менимча буни Тошкент турнири ва октябрь ойида Хиросимада ўтказиладиган Осиё ўйинлари кўрсатади. Ўзбекистон футболининг тараққий этишига, унинг ОФКда муносиб мавқега эга бўлишига ишонаман.

Танишинг: «Тошкент—94 халқаро футбол турнири» қатнашчилари

ҚОЗОҒИСТОН МИЛЛИЙ ТЕРМА ЖАМОАСИ

Темур СЕГИЗБОЕВ, мамлакат футбол ассоциациясининг вице-президенти:

— Тошкент турнири туфайли оғаларимиз билан яна дийдор кўришаётганлигимиздан ғоятда хурсандмиз. Ўйлайманки, турнир жуда яхши ўтади ва унда биз ажойиб ўйин кўрсатиб, футболсеварларимиз ишончини қозонишга ҳаракат қиламиз. Тўғриси, биз бу халқаро турнирга етарлича тайёргарлик кўролмадик. Терма жамоамизнинг етакчи ўйинчиларидан беш нафари Туркиядан бу турнирга етиб келишолмади. Бир томондан бу яхши ҳам бўлди. Чунки 1998 йилги жаҳон чемпионатида қатнашамиз, деган умидимиз бор. Олимпиячиларимиз эса расмий баҳсларга киришиш арафасида. Шунинг учун ҳам Тошкент турнирига айни дамда хорижда тўп сураётган кучли ўйинчиларимизни эмас, балки ўша жаҳон чемпионати ва Олимпиадада тўп урадиган ёш футболчиларимизни жалб қилганлигимиз тўғри бўлди, деб ўйлайман. Олимпиада ва жаҳон чемпионатига тайёргарлик кўришни биз Тошкент халқаро турниридан бошладик, десам хато қилмайман. Ушбу турнир мухлисларига футболни ва у орқали Ватанингизни севинг дегим келади.

Терма жамоа таркиби қуйидагича:

В. Цирин, С. Абдуалиев, Ф. Ўрдабоев, А. Кучерявих (ҳаммаси «Ансат» жамоасидан), В. Спаришев, Р. Гумар, Н. Курганский, (барчаси «Ботир» жамоасидан), А. Абильдаев, К. Абубакиров, А. Нисанбаев (ҳаммаси «Қайрат» клубидан), О. Воскобойников, О. Капустников, К. Мусатаев, Т. Сисенов (тўртталаси ҳам «СКИФ — Ордабаси» жамоасидан), М. Низовцев («Химик»), А. Курдюмов («Шахтёр»), Л. Мирошниченко («Актюбинец») К. Саламбеков, С. Жумаханов, Т. Турмагамбетов (учаласи ҳам «Жигер» жамоасидан).

Жамоа бошлиғи — А. Макатов.

Мураббий — Б. Бойму-ҳаммедов.

ТУРКМАНИСТОН МИЛЛИЙ ТЕРМА ЖАМОАСИ

Байрам ДУРДИЕВ, мамлакат миллий терма жамоасининг бош мураббийси:

— Бизни ўз юртимиздан қанчалик иззат-икром билан кузатиб қўйишган бўлса, «Тошкент-94 халқаро футбол турнири» ташкилотчилари ҳам шунчалик ҳурмат билан қарши олишди. Мен бу билан нима демоқчиман, қадриятларимиз, урф-одатларимиз бир халқмиз. Тошкент турнири ҳам шу бирликнинг рамзий тимсоли сифатида дўстлик ва футбол байрамига айланади, деб ўйлайман.

Терма жамоамиз таркибини асосан январь ойида МДҲ чемпионлари турнирида муваффақиятли қатнашган «Копетдоғ» жамоасининг ўйинчилари ташкил қилади. Биз миллий терма жамоага «Копетдоғ»нинг бир йўла 11 нафар ўйинчисини жалб қилдик. Хориждан эса фақат Равшан Мухадовни таклиф қилдик. Равшанни ва унинг укаси Чорини ҳам ўзбекистонлик футбол мухлислари яхши билишади. Тошкент турнирида улардан бизнинг умидимиз катта. Делегациямиз сафидан телевидениечилар ҳам ўрин олган. Миллий терма жамоамиз иштирокидаги барча ўйинлар ёзиб олиниб, Туркманистон ойнаи-жаҳони орқали ҳам кўрсатилади.

Ўзбекистонда туркман футболи мухлислари ҳам кўпчилик. Ўйлаймизки, улар турнир давомида ўйингоҳларга келиб, жамоамизни қўллаб-қувватлашади. **Терма жамоамиз таркиби қуйидагича:**

Е. Набойченко, Ч. Сейтиев, Р. Қурбонмамедов, Ч. Мередов, Д. Корж, В. Золотухин, А. Анадурдиев, К. Мингазов, Ч. Мухадов, Б. Нурмуродов , Е. Сисоев (барчаси «Копетдоғ» жамоасидан), И. Омельченко, Ю. Сардалимов, М. Оғаев (уччаласи ҳам «Нисса»дан), Р. Бойлиев, («Кишменн»),

Мураббий — Я. Мурадзахадов.

ҚИРҒИЗИСТОН МИЛЛИЙ ТЕРМА ЖАМОАСИ

Олмос ЧҮҚМОРОВ, мамлакат терма жамоаси бошлиғи, делегация раҳбари:

— Аввало ушбу турнирнинг ташкилотчилари бўлган Ўзбекистон Футбол федерациясига миннатдорчилик билдирамиз. Бизнинг футболимизнинг тараққиёти учун айнан шундай йирик турнирлар тажрибаси етишмаётган эди. Ўйлаймизки, у Марказий Осиё республикаларининг биринчи ва охирги футбол турнири бўлиб қолмайди. Биз ўн кун давомида бу турнирга тайёргарлик кўрдик. Шу давр мобайнида иккита ўртоқлик учрашуви ўтказишга ҳам муваффақ бўлдик. Бу билан биз пухта ҳозирлик кўрдик, демоқчи эмасман, қолаверса, бизнинг имкониятларимизни турнирнинг ўзи кўрсатади. Миллий терма жамоамизнинг таркиби масаласига келсак, бу борада ҳамма иш кўнгилдагидек эмас. Терма жамоамизнинг ўзагини ташкил этувчи 7-8 нафар футболчимиз айни дамда республикамизни тарк этиб, хорижда тўп суришяпти. Уларни Тошкент халқаро турнирига жалб қилолмадик.

Барча футболсеварларга ушбу турнирдан олам-олам завқ олишларини тилаймиз.

Терма жамоамиз таркибида мухлислар қуйидаги футболчиларни кўришлари мумкин: З. Жалилов, В. Қоноонов (иккиси ҳам «Олга» — РИИФ клубидан), Р. Батраев, («Кант — ОИЛ»), А. Маҳмутов, И. Сергеев, Р. Ажиев (уччаласи ҳам «Спартак»дан), Р. Урмеев, А. Рибаков, Ш. Абдурахмонов (барчаси «Семетей»дан), А. Руденко, М. Жумакеев, К. Ишенбоев, В. Бойко, Т. Кайназаров, А. Мамунов (ҳаммаси «Олга» жамоасидан), В. Рогованов, Д. Коваленко, Д. Бобоев (уччаласи ҳам «Олой»дан), В. Сало («Достук»), Ф. Ҳайитбоев, О. Клименко («Химик»), Т. Қодиров, О. Иванов, К. Сейталиев (барчаси «Шумкар — СКИФ» жамоасидан).

Бош мураббий — М. Кошалиев.

Мураббий — В. Власичев.

ТОЖИКИСТОН МИЛЛИЙ ТЕРМА ЖАМОАСИ

Владимир ҒУЛОМҲАЙДАРОВ, мамлакат миллий терма жамоаси бош мураббийси:

— Гапнинг очиғи, «Тошкент-94 халқаро футбол турнири»га алоҳида тайёргарлик кўролмадик. Негаки, эндиликда терма жамоамизнинг деярли барча ўйинчилари хорижда тўп суришмоқда. Республика чемпионати эса энди бошланяпти. Терма жамоага жалб қилинган футболчиларимиз эса мамлакат клубларидаги мавсумга тайёргарлиги билан Тошкентга ташриф буюришди. Бизнинг мақсадимиз бу ерда яхши футбол ўйинини намойиш қилиш. Россия клубларида тўп суришаётган Фузайлов ва Ашурмамедовни Тошкент турнирида Тожикистон шарафини ҳимоя қилишга таклиф қилганмиз. Лекин шу кунгача улардан жавоб ололмадик, балки турнир давомида жамоамиз таркибида пайдо бўлишар. Шунга қарамай биз халқаро турнир жамоаларига муносиб рақиб бўла оламиз, деб ўйлайман. Қолаверса, бу турнирда яна қўшниларимиз билан майдонда бирга бўлишга не етсин.

Жамоамиз таркибида мухлислар яна қуйидаги футболчиларни майдонда кўришади:

Д. Сулайманов, А. Шукуров, Х. Шоимов, Ш. Ражабов, И. Иднев, А. Гулмадов, Ҳ. Зардов, С. Чикаев, З. Азизов, С. Князев, Т. Мўминов (ҳаммаси «Помир» жамоасидан), Б. Бобохонов, Б. Салохутдинов, Р. Қурбонов (уччаласи ҳам «Ситора» клубидан), Ш. Бекпўлатов, А. Умарбоев, В. Шишков, Ф. Шарипов, Ш. Журов (барчаси «Пахтакор»дан), С. Николаев («Регар»).

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ ТЕРМА ЖАМОАСИ

Тўлаган ИСОҚОВ, мамлакат терма жамоасининг бошлиғи:

— Мухлисларимиз терма жамоамизнинг турнирга қандай тайёргарлик кўрганлигини ва қандай таркибда майдонга чиқишини яхши билишади. Бу ҳақда матбуотда батафсил ёзилди. Бош мураббий Рустам Акромов айтган барча ўйинчилар (Миржалол Қосимовдан бошқа) терма жамоага жалб қилинган. 8 апрелдан машғулотларга киришилди. Ўйлайманки, жамоамиз яхши ўйин кўрсатиб, мухлисларни хушнуд этишади. Миржалол масаласига келсак, Ўзбекистон футбол федерациясида унинг «Пахтакор» билан имзолаган шартномаси бор. Агар у турнир давомида Тошкентга келмаса, ФИФА талабларига кўра биз «Спартак» (Владикавказ) жамоасига ўз мактубимизни йўллаймиз.

Тошкент турнири ўйинчиларимиз учун ҳам, мураббийлару футболга мутасадди барча-барча учун катта имтиҳон бўлади, деб ўйлайман. Қолаверса, пойтахтимизда яна эски қадрдонларни, қардошларимизни учратиш биз учун байрам. Темур Сегизбоев, Олмос Чўқморов, Владимир Ғуломҳайдаров, Байрам Дурдиевлар билан бир даврда тўп сурган бўлсак, бугун бизнинг шогирдларимиз майдонга чиқишади. Дунё чархпалагини қарангки, Темур ога, Олмослар «Пахтакор» жамоаси шарафини ҳимоя қилишганди. Спорт мана шуниси билан қизиқ-да. Футболсеварларимизга Тошкент халқаро турниридан завқ-шавқ олишларини тилаймиз.

Ушбу саҳифани «Халқ сўзи»нинг махсус мухбири Расул ЖУМАЕВ тайёрлади. Суратларни А. Мамадаминов олган.

УЧРАШУВГА КЕЛИНГ

АНДИЖОН ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИНИ 1969 ЙИЛДА ТУГАТГАН ВРАЧЛАР УЧРАШУВИ 1994 ЙИЛ 28 МАЙ КУНИ СОАТ 10.00 да АНДИЖОН ШАҲРИДА ЎТКАЗИЛАДИ.

МАЪЛУМОТ УЧУН ТАШКИЛИЙ ҚЎМИТА ТЕЛЕФОНЛАРИ: АНДИЖОНДА: 5-84-80, 5-90-00, 5-52-40, 4-43-43. ТОШКЕНТДА: 41-18-13.

2-Тошкент Давлат тиббиёт институти жамоаси институт ректори, тиббиёт фанлари доктори, профессор Ҳомид Каримовга оналари

Муаззам КАРИМОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан ҳамдардлик билдириб, чуқур таъзия изҳор этадилар.

Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти раҳбарияти ва жамоат ташкилотлари «Амалий математика» кафедрасининг доценти Н. Азиз-Қориевага онаси

Лола АЗИЗ-ҚОРИЕВА-

нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этадилар.

«Команур-Шо» фирмаси жамоаси Тошкент «Бақ-қоллик» акционерлик жамияти раиси Қобил Зоировга онаси

Инобат ая МИРАКБАРОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ички қўшинлар бошқармаси қўмондонлиги ва шахсий таркиби 1941—1945 й. уруш қатнашчиси, ички қўшинлар фахрийси, истеъфодаги генерал-лейтенант

Бурҳон Ҳасанович СИРОЖИДДИНОВнинг

бевақт вафот этганлигини чуқур қайғу билан маълум қилиб, марҳумнинг оиласи ва яқин қариндошларига таъзия изҳор қиладилар.

ХАЛҚ СЎЗИ • НАРОДНОЕ СЛОВО

• ТЕЛЕФОНЛАР: маълумот учун 33-07-48; эълонлар бўлими 32-09-25. Индекс: 64608.

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раёсати ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси.

Бош муҳаррир: Анвар ЖЎРАБОЕВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ: Абдунаби БОЙҚУЗИЕВ, Эсиргап БОЛИЕВ (масъул котиб, «Халқ сўзи»), Эркин ВОҲИДОВ, Миракмал МИРАЛИМОВ, Салоҳиддин МУҲИДДИНОВ (бош муҳаррир ўринбосари, «Халқ сўзи»), Лев ПАК (бош муҳаррир ўринбосари, «Народное слово»), Людмила ПОРФИРЬЕВА, Қулаҳмад РИЗАЕВ, Александр ТЮРИКОВ (масъул котиб, «Народное слово»), Шавкат ЯҲЁЕВ, Пиримқул ҚОДИРОВ, Муҳаммаджон ҚОРАБОЕВ, Саидаҳрор ҒУЛОМОВ.

• МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 19-уй.

Навбатчи муҳаррир — А. Йўлдошев, навбатчи — Ш. Муттаҳарҳон ўғли.

Рўйхатдан ўтиш тартиб № 0001. Буюртма Г.—906 80332. нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А — 2.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй. 1 2 3 4 5 6 Босишга топшириш вақти — 21.00 Босишга топширилди 24.00.